

Расулulloҳга берилган,  
бошқа ҳеч бир пайғамбарга берилмаган

# БЕШ ХИСЛАТ

Тўртинчи хислат

*Бутун оламларга пайғамбар бўлишлари*

Барча расуллар маълум бир қавмга огоҳлантирувчи ва хабар берувчи бўлиб келишган. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эса ер юзидаги бутун инсонларга ва жинларга пайғамбар қилиб юборилганлар.

Қуръони каримнинг Сабъ сураси 28-оятда мазмунан бундай марҳамат қилинади: “(Эй Муҳаммад, алайҳиссалом), **Биз сизни, шак-шубҳасиз, барча одамларга (мўминларга жаннат ҳақида) хушхабар элтгувчи, (кофирларни эса дўзах азобидан) огоҳлантиргувчи бўлган ҳолингизда, Пайғамбар қилиб юбордик**”. Мазкур мазмунли ояти карима фақатгина Расули акрамга берилган буюк фазилатдан хабар бермоқда. Албатта, Расулulloҳни Ҳақ субҳонаҳу ва таоло бутун инсониятни, миллатидан, ирқидан қатъи назар, иршод этиш учун юборгандир. Бундай фазилат расуллар ичида фақат Расулulloҳга (алайҳиссалом) берилган.

Улул азм расуллардан бўлган ҳазрати Мусо ва ҳазрати Исо (алаҳимуссалом) фақат ўз қавмларига юборилган эдилар. Инсон бу ояти каримани ўқиб, бир тафаккур қилса, Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) оқ, қора, сариқ, қизил танли, ибтидоий ва маданий барча инсонларга, араб, фаранг, инглиз, ўрис ёки бошқа бир миллатга мансублигидан қатъи назар, ҳамма халқларга бирдек муришид эканларини, ул Зоти муборакнинг мўъжизалари бўлган Қуръони карим бутун инсониятга илоҳий қонун эканини англаши муқаррар.

Бошқа бир ояти каримада Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **“Барча оламлар учун (Охирад азобидан) қўрқитувчи бўлсин деб ўз бандаси (Муҳаммад алайҳис салом)га Фурқон — Қуръон нозил қилган Зот — Аллоҳ Баракотли — Буюкдир”** (Фурқон, 2).

Кўриниб турибдики, Қуръони карим бутун инсониятнинг Муқаддас китоби, Муҳаммад (алайҳиссалом) барча олам ва одамларга юборилган, ҳамма-ни Ҳаққа даъват этувчи расулдир. Бундай олий фазилат фақат ул Зотгагина берилган.

Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоят қилган ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз (сол-

лаллоҳу алайҳи ва саллам) бу ҳақиқатга ишоратан бундай марҳамат этганлар: “Мендан аввалги ҳар расул қавмига юборилган эди, мен эса, бутун оламга юборилдим”. Бутун олам аҳли Аллоҳ таоло Пайғамбаримизни (алайҳиссалом) барча оламларга ҳақ расул этиб юборганини англаб, эътироф этиб, эргашса, ер юзида тинчлик, осойишталик барқарор бўлиши муқаррар.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳижратнинг саккизинчи йилида ўша замоннинг бир неча қирол ва подшоҳларига мактублар ёзиб, бу ҳақиқатни маълум қилган ва қавмларини ҳақ йўлга даъват этган эдилар. Бу даъватга ижобат қилиб, имон келтирганлар нажотга эришган. Кейинги даврларда ҳам шундай бўлди. Расулulloҳга берилган бу фазилатни инкор этиб, бўйин товлаганлар эса, зиёнкорлардан бўлиб қолишди.

Хуллас, миллати, ирқи ва бунгача дину мазҳаби қандай бўлишидан қатъи назар, ҳар бир инсон нажот топиши учун Қуръони каримга ва Пайғамбаримизга (алайҳиссалом) эргашмоғи керак бўлади.

**Муҳаммад ЗАРИФ**

*тайёрлади*

## МУНДАРИЖА

## Ақида

Расулulloҳга берилган, бошқа ҳеч бир пайғамбарга берилмаган беш хислатнинг тўртинчиси	
Бутун оламларга пайғамбар бўлишлари .....	1
<b>Ҳадис илми</b>	
Имоми Аъзам АБУ ҲАНИФА	
Муснад .....	8
<b>Мактубларда манзаралар</b>	
Адҳамбек АЛИМБЕКОВ	
Юрагим нурга тўлди .....	10
Дилбар МАҲМУДОВА	
Яшашдан мақсадим .....	10
Руҳиддин АКБАРОВ	
Жазодан қўрқаман .....	10
Ҳабибулла МАМАТОВ	
Қалдирғочлар ўчи .....	11
Аннамурад ЖУМАҚУЛОВ	
Сўзнинг қадри .....	11
<b>Наҳйи мункар</b>	
Муҳаммад Солиҳ МУНАЖЖИД	
Ҳаром нарсалар .....	14
<b>Илм масканларида</b>	
Абдулҳаким қори МАТҚУЛОВ	
Талаба учун муҳими — ихлос ва гўзал одоб..	16
<b>Бугуннинг гапи</b>	
Миродил ҲАЙДАРОВ	
Мукаррамликка муносиб бўлайлик .....	18
<b>Шеърият</b>	
Маҳмуд АЛИМОВ	
Кўнгил сокинлигин топдим .....	19
<b>Ҳидоят топганлар</b>	
Ботир МАДАМИН ўғли	
Сўнги сўз .....	20
<b>Рангин туйғулар</b>	
Сарвархон ЖАҲОНГИР	
Пайғамбаримга мактуб .....	22
<b>Мерос</b>	
Шерзод ИСЛОМОВ	
Нодир фикҳий манба .....	27
<b>Футуҳот қомусидан</b>	
Аҳмад МУҲАММАД	
Ислом кутубхоналари .....	28
<b>Болалар саҳифаси</b>	
Маҳмуд МАҲКАМ	
Кичкина Умарнинг ҳикоялари .....	30
<b>Сиҳат-саломатлик йили</b>	
Сафар МУҲАММАД	
Тирноқгул .....	32

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

Журналимиз саҳифаларида оят ва ҳадислар берилаётгани учун уни ноҳониз жойларга ташламаслигингизни сўраймиз

## Тафсир

Ваҳба МУСТАФО АЗ-ЗУҲАЙЛИЙ

4

## КАФИРУН СУРАСИ

Оятдаги “Қул” (айтинг) калимасидан мақсад: Расулulloҳ (алайҳиссалом) барча ишларда мулойим ва юмшоқ бўлишга, одамларга энг чиройли хитоб қилишга буюрилганлар. Аммо бу ўринда хитоб кескинлик. Бу кескинлик Аллоҳ таолонинг амри эканини кўрсатиш учун “Қул” калимаси ёд этилган.

## Наҳйи мункар

Баҳодир ШАРИПОВ

6

## СЕҲРНИНГ ЗАРАРИ

Ибн Касир тафсирида ёзилишича, Ҳорут ва Морут сеҳр ўрганиш учун келган кишига сеҳрни бировга зарар бериш учун ишлатиш ҳаром эканини, сеҳргар имонсиз бўлишини яхшилаб тушунтиришарди. Демак, ким сеҳрни бир инсонга озор ва зарар етказиш учун ишлатса, ҳақ йўлдан адашади, имон гавҳаридан ажралади.

## Хабарлар

10

## ИСЛОМ ВА ОЛАМ

Франса ҳукуматининг мусулмон абзоси



Қирқ саккиз ёшли Азиз Бехоҳ яқинда Франсанинг янги бош вазири Доминика де Виллпаннынги ўринбосари этиб тайинланди. Янги ҳукуматда у фуқаролар тенглиги масалалари билан шуғулланади.

Наҳйи мункар

Муҳаммад СОЛИҲ МУНАЖЖИД

14

## ҲАРОМ НАРСАЛАР

Жобир (розийаллоху анху) ривоят қилади: Пайгамбар (алайҳиссалом) рибо егувчини ҳам, едирувчини ҳам, уни ёзувчи ва унга гувоҳ бўлганларнинг барини лаънатладилар ва “Улар тенгдир”, дедилар. Шунга биноан судхўрликни қайд этишда, олишда-беришда, сақлашда, умуман, қандай тарзда бўлса ҳам, унга қўмаклашиш ҳаром бўлади.

Машҳур қорилар

Закариё АҲМАД

23

## МУҲАММАД СИДДИҚ МИНШАВИЙ

Муҳаммад Сиддиқ Миншавий 1920 йили Мисрнинг Миншоҳ шаҳрида дунёга келди. Аллоҳ таоло бу саодатманд болага ғайриоддий бир истеъдод, қувваи ҳофиза, ҳавас қилгулик зеҳну идрок ато этган эди. Буни сезган отаси унга тили чиқиши биланоқ илоҳий ваҳий каломларини ўргата бошлади.

Адабиёт

Ҳасан МАНЗУР

24

## КАРКИДОНЛИК ОЙСА КАМПИР



Қиш кунлари сандални бағрига тортган кампир набирасига калима келтиришни, Фотиҳа ўқишни ўргатарди.

— Қўйинг, эна, — деб тархашлик қиларди Ҳалим, — тилим айланмаяпти.

— Ўлсам мени эслаб, руҳимга тиловат қилиб турасан, болам. Тегса, менга шунинг савоби тегади, — дея уқтирарди кампир.

«HIDOYAT»

Ойлик диний-ижтимоий,  
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Абдурашид қори БАҲРОМ  
Абдулазиз МАНСУР  
Абдураззоқ ЮНУС  
Анвар ТУРСУН  
Дурбек ОБИДЖОН  
Муҳаммад Шариф ЖУМАН  
Юсуфжон ИСҲОҚ  
Эркин МАЛИК  
Абдул Жалил ХЎЖАМ  
(Бош муҳаррир уринбосари)  
Аҳмад ТУРСУН  
Муҳаммад Собит САЛОҲИДДИН  
Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ

Муқовани

Абдулбоқи ИМОМХОН ўғли тайёрлади  
Бадий муҳаррир  
Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОХ ўғли  
Матнни  
Райҳона ХОЛБЕК қизи  
терди.

Тарғибот-ташвиқот марказлари:

Андижон вилояти — 8.3742.24-34-04  
Раҳбари Ўктам ҳожи Умурзоқ  
Фарғона вилояти — 8.37357.2-12-38  
Раҳбари Салоҳиддин Нуриддин  
Сурхондарё вилояти — 8.37622.6-05-08  
Раҳбари Низомиддин Чориев

Манзилимиз:


700021, Тошкент шаҳри,  
Шайхонтоҳур тумани Навоий кўчаси 46-уй;  
Тел: 49-18-26, 144-36-53.  
Интернет почта: admin@hidoyat.uz  
Интернет сайти: www.hidoyat.uz  
Ўзбекистон маъбуот ва ахборот агентлигида  
рўйхатга олинган.  
Гувоҳнома рақами 170.

Босишга 2005 йил 17 июнда рухсат берилди. Босмахонага 2005 йил 27 июнда топширилди. Қозғоз бичими 84x108<sup>1/16</sup>. Адади 14000 нусха. 151-сон буюртма. «KONI NUR» МЧЖда босилди. Манзили: Тошкент, Муқимий к., 178-уй.

Қўлёзмалар қайтарилмайди, тақриз қилинмайди.  
Мақолалар хат орқали юборилганида исми шарифлар  
тўлиқ ёзилиши, манзил аниқ кўрсатилиши шарт.



1. (Эй Муҳаммад, алайҳиссалом,) айтинг: “Эй кофирлар! 2. Мен сизлар ибодат қилаётган нарсаларга ибодат қилмасман. 3. Ва сизлар ҳам мен ибодат қиладиган (Аллоҳ)га ибодат қилгувчи эмасдирсизлар. 4. Мен сизлар ибодат қилган нарсага ибодат қилгувчи эмасман. 5. Ва сизлар ҳам мен ибодат қиладиган (Аллоҳ)га ибодат қилгувчи эмасдирсизлар. 6. Сизларнинг динингиз ўзларингиз учун, менинг Диним ўзим учундир!”



Ваҳба Мустафо аз-ЗУҲАЙЛИЙ

# КАФИРУН СУРАСИ

## Суранинг номланиши

Аллоҳ таоло Набийига (алайҳиссалом): “Эй кофирлар! Мен сизлар ибодат қилаётган нарсаларга ибодат қилмасман”, деб айтишни буюрган учун бу сура “Кафирун” деб номланган.

## Сура ичига олган нарсалар

Маккада нозил бўлган бу сурада мўминлар ўзларини мушриклар амалидан халос қилишга ва Аллоҳ йўлидаги амалда ихлосли бўлишга чақирилади. Бундан ташқари, сура имон билан куфр орасига ва имон аҳли билан бутга ибодат қилувчилар орасига том маънода ажратувчи чегарани қўяди. Мушриклар Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир йил уларнинг илоҳларига ибодат қилишга ва бир йил улар ҳам Аллоҳга ибодат қилиш учун сулҳ талаб қилишганида, уларнинг арзон-гаровли хоҳишларини буткул рад этиб бу сура нозил бўлди. Сура мўминлар ва кофирлар орасидаги фарқни абадул-абад аниқ қилиб қўйди.

## Суранинг фазилати

Муслим “Саҳиҳ”ида Жобирдан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Кафирун ва Ихлос сураларини икки ракатли тавоф намозида ўқиганлари айтилади.

Абу Ҳурайрадан (розийаллоҳу анҳу) қилинган ривоятда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Кафирун ва Ихлос сураларини бомдоннинг икки ракатида ўқиганлари айтилади.

Бу ҳадисни Имом Аҳмад, Имом Термизий, Имом Насай ва Ибн Можа Ибн Умардан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилишган.

Абулқосим Табароний Зайд ибн Ҳорисанинг иниси Жабала ибн Ҳорисадан қилинган ривоятда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Агар тўшагинга ётсанг, “Кул йа аййуҳал кафирун”ни охиригача ўқи, чунки у ширкдан халосликдир», деганлар (Табароний, Имом Аҳмад ривояти).

## Суранинг нозил бўлиш сабаблари

Табароний ва Ибн Ҳотам Ибн Аббосдан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қиладилар: “Қурайшликлар Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мол-дунё бериш мақсадида хузурларига чақириб: «Маккадаги энг бой киши бўласан, хоҳлаган аёлингга уйланасан. Буларнинг барчаси сен учун, эй Муҳаммад. Фақат бизнинг илоҳларимизни сўкишдан, бизни ёмонлик билан эслашдан ўзингни тиясан. Агар бундай қилмасанг, унда бир йил бизнинг илоҳларимизга ибодат қиласан», дейишди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Раббимдан нима келишини кутаман”, деб айтганларида: “Кул йа аййуҳал кафирун” сураси охиригача ва Зумар сурасининг: «(Эй Муҳаммад, у мушрикларга) айтинг: “Ҳали сизлар мени Аллоҳдан ўзгага ибодат қилишга буюрурмисизлар, эй нодонлар?» мазмунли 64-оятни каримаси нозил бўлди.

Нисобурий зикр қилади: «Бу сура бир неча қурайш жамоаси ҳақида нозил бўлган. Улар:

“Эй Муҳаммад, кел, келишайлик, сен бизнинг динимизга эргаш, биз ҳам сенинг динингга эргашайлик. Бизнинг илоҳларимизга бир йил ибодат қиласан. Биз ҳам сенинг илоҳингга бир йил ибодат қиламиз. Агар сен етказган нарса бизнинг қўлимиздаги нарсадан яхшироқ бўлса, бизни унга шерик қилгин. Ва ундан биз ўз насибамизни олайлик. Агар биздаги нарса сенинг қўлингдаги нарсадан яхшироқ бўлса, сен шерик бўлгин. Ва ундан ўз насибангни олгин”, дейишганида, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Унга бошқа нарсани шерик қилишдан Аллоҳ сақласин”, дедилар. Шунда “Қул йа аййухал кафирун” сураси охиригача нозил бўлди. Бу сура нозил бўлганидан кейин Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Масжидул Ҳаромга бордилар. У ерда қурайш жамоалари бор эди. Уларга Кафирун сурасини ўқиб, охирига етганларида мушриклар режалари рўёбга чиқмаганидан, ноумид бўлиб кетишди».

### Тафсир ва баён

Сура мушрикларнинг ботил амалларидан халос бўлишга ва ибодатда ихлосли бўлишга буюради: «(Эй Муҳаммад), **айтинг: “Эй кофирлар, мен сизлар ибодат қилаётган нарсаларга ибодат қилмасман”**. Яъни: “Эй набий, қурайш кофирларига: “Эй кофирлар! Сизлар ибодат қилаётган бут-санамларга асло, ҳеч бир ҳолатда ибодат қилмайман”, деб айтинг». Бунда ер юзидаги барча кофирлар назарда тугилади.

Ояти каримадаги “Қул” (айтинг) калимасы ёд этилишидан мақсад: Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) барча ишларда мулоийим ва юмшоқ бўлишга ҳамда одамларга энг чиройли кўринишда хитоб қилишга буюрилганлар. Аммо бу ўринда хитоб кескин бўлган. Хитобдаги бу кескинлик Аллоҳ таолонинг амри билан эканини кўрсатиш учун “Қул” калимасы ёд этилгандир.

**“Ва сизлар ҳам мен ибодат қиладиган (Аллоҳ)га ибодат қилувчи эмасдирсизлар”**. Яъни: “Сизлар модомики ширк ва куфрда бўлар экансиз, мен ибодат қилаётган танҳо маъбудга — Аллоҳга — ибодат қилмайсиз”. Бу оятни Замахшарий бундай тафсир қилади: “Илоҳларингизга ибодат қилишда менадан талаб қилаётган нарсангизни келажакда ҳам бажармайман, сизлар ҳам келажакда менинг илоҳимга ибодат қилмайсиз”.

**“Мен сизлар ибодат қилган нарсага ибодат**

**қилувчи эмасман. Ва сизлар ҳам мен ибодат қиладиган (Аллоҳ)га ибодат қилувчи эмасдирсизлар”**. Яъни: “Сизлар ибодат қилаётган нарсага ибодат қилмайман. Сизларнинг йўлингизга юрмайман ҳам, эргашмайман ҳам. Мен Аллоҳга У яхши кўриб, рози бўладиган тарзда ибодат қиламан. Сизлар эса Аллоҳнинг буйруқларига ва шариатига бўйсунмайсизлар. Балки сизлар ўзингиз тўқиб олган нарсаларга сиғинасиз”.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ва у Зотга эргашганлар Аллоҳ таолога холис, ширк келтирмай ибодат қиладилар. Мусулмонлар Аллоҳ буюрган тарзда ибодат қилишади. Шунинг учун Ислому шиори “Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур расулulloҳ”дир, яъни, “Аллоҳдан ўзга маъбуд йўқ, Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Аллоҳнинг элчисидир”.

Оятларда “ибодат қилмайман”, деб такрор-такрор келтирилишидан мақсад Расулulloҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уларнинг илоҳларига ибодат қилишларини сўрашганида ижобат қилишларидан умидларини узишдир.

**“Сизларнинг динингиз ўзларингиз учун, менинг диним ўзим учундир”**. Яъни: “Ширк ва куфрингиз ўзингизгадир. Менга ҳам ўз динимдир. У тавҳид, ихлос ва Иломудир. Сизларнинг динингиз эса кўпхудоликдир. У ўзингиз учундир”.

### Сурадан ўрганганларимиз

Бу сура мусулмонлар билан ўзгаларнинг ибодати ва маъбуди айри-айри эканига, кофирлар Иломуга қарши бир миллат эканига далилдир. Бу нарса куфр билан иймон ўртасида, адоватли, ғаразли дин пайравилари билан Илому аҳли ўртасида иноқлик бўлмаслигига ишорадир.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ва у зотга эргашган мўминлар якка Аллоҳга ибодат қилишса, кофирлар бут-санам, башар, фаришта, юлдуз ёхуд шунга ўхшаш ботил нарсаларга ибодат қилувчилардир.

Мўминлар Аллоҳ таолога холис, тазарруъ билан, У кўрсатган, У рози бўлган ҳолда ибодат қилишади. Кофирлар бут-санамларига ўзлари хоҳлаган ҳолда, турли шаклда сиғинишади.

Аллоҳ таоло ҳузурдаги ҳақ ва мақбул дин Илому, яъни, Аллоҳга холис ибодат қилишдир, тавҳиддир. Аммо тавҳид асосига зид бўлган куфрнинг ҳаммаси тавҳиднинг асидан бузилган эътиқодда муштаракдир.

Анвар АҲМАД  
таржимаси

# СЕҲРНИНГ ЗАРАРИ ВА УНДАН САҚЛАНИШНИНГ ШАРЪИЙ ЙЎЛЛАРИ



Аввало сеҳр нима, динимизнинг сеҳрга муносабати қандай деган саволларга жавоб берсак.

Қуръони каримда сеҳр ва сеҳргарлар ҳақида бундай дейилади: **“Қачон уларга Аллоҳнинг хузуридан ўзларидаги нарсани тасдиқ этувчи пайгамбар келса, Китоб (Таврот) берилган кимсалардан бир гуруҳи Аллоҳнинг китобини (яъни, Тавротни, унда Муҳаммад (алайҳиссалом) ҳақида келган оятларни ҳеч нарса) билмагандек орқаларига отадилар. Ва Сулаймон подшоҳлигидаги шайтонлар (жинлар) айтган нарсаларга эргашадилар. Сулаймон кофир эмас эди, балки одамларга сеҳр ўргатадиган шайтонлар кофир эдилар. Бобилдаги Ҳорут ва Морут (номли) фаришталарга туширилган нарсаларга (эргашадилар). Ҳолбуки, у фаришталар: “Биз фақатгина фитнамиз (яъни, одамларни алдаб имтиҳон қилиш учун юборилганмиз) бас, (биз айтган нарсаларни қилиб) кофир бўлиб қолма”, демасдан туриб, ҳеч кимга ҳеч нарса ўргатмас эдилар. Ва ўшалардан (Ҳорут ва Морутдан) эр-хотиннинг ўртасини бузадиган нарсаларни ўрганадилар. (Лекин) улар (яхудийлар) Аллоҳнинг изнисиз ҳеч кимга зарар етказа олмайдилар. Ҳеч фой-**

**дасиз, билакс, зарарли нарсаларни ўрганадилар. Ахир (Аллоҳнинг китоби ўрнига сеҳрни) алмашган кимсаларга охи-ратда ҳеч қандай насиба йўқ эканини билган эдилар-ку! Жонларини нақадар ёмон нарсага (яъни, охираддаги маҳрумликка) сотганларини билсалар эди”<sup>1</sup>.**

Имом Ибн Жавзий (раҳма-туллоҳи алайҳ) бу оятнинг нозил бўлиш сабаби ҳақида бундай дейдилар:

«Яхудийлар Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Таврот тўғрисида нимани сўрасалар, Расулуллоҳ уларга жавоб қилар эдилар. Улар сеҳр тўғрисида сўраб, Расулуллоҳ билан тортишиб қолдилар. Натижада бу оят нозил қилинди» *(Абу Олия ривояти).*

Яхудийлар Сулаймонни (алайҳиссалом) пайгамбар эмас, балки сеҳргар деб бўҳтон қилдилар, бунинг зиддига бу оят нозил бўлди *(Ибн Исҳоқ зикр қилган)<sup>2</sup>.*

Аллоҳ таоло инсонларни имтиҳон қилиш учун, сеҳр ботил иш эканини уларга билдириш ва мўъжиза нима, сеҳр нима, фарқлай олишлари учун икки фаришта – Ҳорут ва Морутни Бобил мамлакатига туширди ўша замонда сеҳр кўпайиб, сеҳргарлар арзимас сеҳрлар билан халқни пайгамбарларга қарши қилишарди. Ибн Касир тафсирида келтирилишича, Ҳорут ва Морут олдиларига сеҳр ўрганиш учун келган кишига сеҳрни бировга зарар бериш учун ишлатиш ҳаром эканини, сеҳргар имонсиз бўлишини яхшилаб тушунтиришарди. Агар шунда ҳам ўрганишни хоҳлашса, ўргатишар эди. Аммо ўша онда сеҳрни ўрганган кишидан имон нури кўтарилиб, кофир бўлар эди. Демак, ким сеҳрни бир инсонга озор ва зарар етказиш учун ишлатса, ҳақ йўлдан адашади ва имон гавҳаридан ажралади.



Аксар сеҳргарлар сеҳрни қабих ниятда, эр хотиннинг орасини ажратиш, дўстларнинг орасини бузиш, инсонлар ўртасига душманлик ва фасод солиш учун ишлатадилар. Улар бу ишлари билан инсониятга катта зиён қилишлари шубҳасиз.

Мўминлар ҳаёт кийинчиликларида фақат Аллоҳдан ёрдам исташлари, дуо ва илтижоларида Унга юзланишлари лозим. Юлдузлар, ҳар хил самовий жисмлар ва табиатдаги ўзгаришлар Аллоҳнинг амри-фармони билан содир бўлади. Уларнинг ҳаракатларининг ер юзидаги инсонлар ҳаётига ҳеч қандай таъсири йўқ. Чунки Яратганнинг Ўзи ҳар бир инсоннинг умрини, ризқини ва ҳаёт йўлини белгилаб қўйган. Гумроҳ инсонлар сеҳр ва нужум илмига етишиш йўли билан ғайбни билишга уринишади. Ва ўз ҳаётларини унинг ҳаракатларига мослаб ва жинлардан эшитган ёлғон сўзлар асосида кўрадилар, алданадилар ва алдайдилар. Энг ачинарлиси соф исломий эътиқоддан айрилиб охиратлари куяди. Расулulloҳ (алайҳиссалом) айтди: “Ким коҳин (мунажжим)нинг олдида бориб, бирон-бир ҳожатини сўраса, қирқ кун унинг намози қабул қилинмайди (*Имом Муслим ривояти*).

Имом Табароний келтирган ривоятда фолбинга, мунажжимга ёки сеҳргарга бориб, унинг айтганини тасдиқлаган киши Муҳаммадга (алайҳиссалом) нозил қилинган динни инкор

қилиши айтилган. Ўзини имон-эътиқодли ҳисоблаган ҳар бир мусулмон сеҳрга ҳеч бир ҳолда яқинлашмайди. Сеҳргарларнинг алдовларига алданмайди. Ахир уларни тасдиқ қилиб, алданиш динидан ажраш эканини билган мусулмон бу қабоҳатга рози бўладими? Асло!



Яшаб турган диёрларимиз ва атрофларимизга эътибор қилсак, инсониятга катта душман бўлган сеҳр билан шуғулланиб, охиратларини куйдириб, Аллоҳнинг раҳматидан узоқ бўлаётган, жамиятимиздаги барқарорликни бузиб, қанча-қанча оилаларни барбод қилаётган, дўст-биродарлар, туғишган ака-укалар орасига адоват уруғини сепаётган баъзи кимсаларнинг фаолиятини сезиш мумкин. Албатта, улар бу ишлари билан ояти карималар ва ҳадиси шарифлар шоҳидлигида инсон учун бебаҳо имон гавҳаридан ажраб,

соғлом фикрли бутун инсониятнинг лаънатига дучор бўляптилар.

Шайтон, жинлар ва сеҳргарлар ёмонлигидан сақланиш учун Куръони карим сураларини ўқиб юришга тарғиб қилинади. Ҳадиси шарифда Ёсин, Ҳашр сурасининг охири, Фалақ ва Нас сураларидан шайтонлар (жинларни)нинг энг ёмонлари ҳам қочиши айтилган. Оятул-Курсий, Кафирун, Қадр, Ихлос ва бошқа кўплаб сураларни мунтазам ўқиб юриш ҳам тавсия этилган<sup>3</sup>. Имон-эътиқодли инсон Аллоҳнинг зикрини қалбига жойлаб, Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шариатида мустаҳкам турса, сеҳрчиларнинг унга ишлатган барча сеҳр-жодулари самара бермайди. Чунки маънавияти бўш ва Аллоҳнинг зикридан холи бўлган қалбагина васваса таъсир этади. Шундай экан, қалбларимизга Аллоҳ таолонинг зикри ва ҳазрати Муҳаммаднинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) соф ва тўғри йўллари билан жило берайлик.

**Баҳодир ШАРИПОВ,**

“Мулла Қирғиз” Ислom ўрта-маҳсуc билим юрти мударриси

<sup>1</sup> Бақара, 101–102.

<sup>2</sup> Собуний. “Равоиъул баён”, 1-жуз.

<sup>3</sup> Алийул Қори. “Мирқот-ул-мафотих”, 8-жуз.



Имоми Аъзам Абу ҲАНИФА

# МУСНАД

## ТАЛОҚ

### Икки юз саксон олтинчи ҳадис

Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайҳ) Аътодан, у Юсуф ибн Моҳакдан, у Абу Ҳурайрадан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилади. Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу) айтди: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Уч нарсанинг жиддийи ҳам, ҳазили ҳам жиддийдир. Улар: талоқ, никоҳ, рижъатдир (эрнинг ражъий талоқ қилган хотинига қайтиши)”, дедилар».

**Изоҳ:** Ҳадисни Абу Довуд, Ибн Можжа ва Термизий келтиришган. Термизий уни ҳасан-ғариб ҳадис, деган. Ҳоким санади саҳиҳ деган.

Насайидан бошқа «Кутуби ситта» соҳиблари Абу Ҳурайрадан (розийаллоҳу анҳу) ривоят этилган ҳадисни келтиришган<sup>1</sup>.

### Икки юз саксон еттинчи ҳадис

Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайҳ) Абу Зубайрдан, у Жобирдан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилади. Жобир (розийаллоҳу анҳу) айтди: «Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Савдани талоқ қилганларида унга: “Идда ўтир”, дедилар».

**Изоҳ:** Ҳадис «Саҳиҳайн»да Ойиша онамиздан (розийаллоҳу анҳо) ривоят қилинган.

### Икки юз саксон тўққизинчи ҳадис

Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайҳ) Ҳаммождан, у Иброҳимдан, у бир одамдан, у Ибн Умардан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилади. «Ибн Умар (розийаллоҳу анҳу) аёлини ҳайз кўрганида талоқ қилди. Бу иши учун танқид қилинди. Аёли ҳайздан тозалангач, яна талоқ қилди. Илдаси ҳайзли пайтида талоқ қилинган кундан бошлаб ҳисобланди».

**Изоҳ:** Ибн Умар (розийаллоҳу анҳу) аёлини ҳайзли пайтида талоқ қилди ва бу иши учун ҳазрати Пайгамбардан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) танбеҳ эшитди. Шундан сўнг хотинига рижъат қилди (қайтиб олди) ва уни ҳайздан пок ҳолида талоқ қилди. Муҳаммад ибн Ҳасан ҳадисни шундай ривоят қилган.

«Кутуби ситта» соҳиблари уни келтиришган. Улар танбеҳ берган киши Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эканларини айтишган.

<sup>1</sup>«Ал-мунтақо», II, 604. <sup>2</sup>«Уқудбул-жавоҳир», I, 120.

<sup>3</sup>«Уқудбул-жавоҳир», I, 123. <sup>4</sup>«Уқудбул-жавоҳир», I-129. <sup>5</sup>«Уқудбул-жавоҳир», I, 128.

Имом Бухорий лафзида: «Ибн Умар (розийаллоҳу анҳу) аёлини ҳайз кўрган пайти талоқ қилди», дейилади<sup>2</sup>.

### Икки юз тўқсонинчи ҳадис

Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайҳ) Абу Исҳоқдан, у Абу Бурдадан, у отасидан ривоят қилади. Абу Бурданинг отаси айтди: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳ таолонинг шарияти билан ўйнашаётган, хотинларига “сени қўйдим, қайтиб олдим” деяётган кишиларнинг ҳоли қандай бўлар экан!” деб марҳамат қилдилар».

**Изоҳ:** Ибн Можжа «Сунан»да, Ибн Ҳиббон «Саҳиҳ»да, Табароний «Муъжам»да келтиришган<sup>3</sup>.

### Икки юз тўқсон бешинчи ҳадис

Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайҳ) Ҳаммождан, у Иброҳимдан, у Асваддан, у ҳазрати Умардан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилади. Ҳазрати Умар (розийаллоҳу анҳу) айтди: «Рост ё ёлғон гапирганини биз билмаган бир аёлнинг сўзи билан (сўзига кириб) Раббимизнинг Китобини, Расулимизнинг суннатларини тарк этмаймиз. Уч талоқ қўйилган хотинга яшайдиган жой ва нафақа берилади».

**Изоҳ:** Имом Муслим Абу Исҳоқдан келтирган. Имом Термизий ҳам шундай ривоят қилган. Ва бу лафзни қўшган: «Ҳазрати Умар (розийаллоҳу анҳу) талоқ қилинган аёлга нафақа ва яшаш жойини ҳукм қилганлар»<sup>4</sup>.

### Икки юз тўқсон олтинчи ҳадис

Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайҳ) Ҳаммождан, у Иброҳимдан, у Асваддан ривоят қилади. Асвад айтди: «Ҳорис Асламийанинг қизи Субайатанинг эри ўлди. Аёл йигирма беш кечадан сўнгра туғди. Абу Санобил ибн Баъкак Субайата олдига келди ва:

– Безанганингга қараганда, турмушга чиқмоқчисан, шекилли. Аллоҳга қасамки, «Икки идданинг кўпи ўтгунча кутасан. (Туғиши билан аёлнинг иддаси тугайди. Эри ўлган аёл эса тўрт ой ўн кун идда сақлайди.)

Аёл келиб, бу ҳолни ҳазрати Пайгамбарга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хабар берди. Ҳазрати Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

– У ёлғон сўзлабди, келганида менга хабар бер, – дея марҳамат қилдилар».

**Изоҳ:** Имом Бухорий, Имом Муслим ва «Сунан» соҳиблари ҳадисни келтиришган. Имом Муслим Умар ибн Абдуллоҳ ибн Арқамдан ривоят қилган<sup>5</sup>.



### Икки юз тўқсон саккизинчи ҳадис

Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайҳ) Ҳаммоддан, у Иброҳимдан, у Алқамадан, у Абдуллоҳ ибн Масъуддан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилади. Ибн Масъуд (розийаллоҳу анҳу) айтди: «Маҳр белгиланмай ва жимоъ қилинмай эри ўлган аёл ҳақида сўралди».

Ибн Масъуд (розийаллоҳу анҳу) бундай дейди: «Аёл ўша ҳудуднинг аёллари олаётган миқдорда маҳр олади. Унга мерос тегади, аини пайтда бу аёл идда сақлаши керак бўлади». Маъқил ибн Синон Ашжаий деди: «Гувоҳлик бераманки, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Восикнинг қизи Бирва ҳақида худди шундай ҳукм чиқардилар».

**Изоҳ:** «Сунан» соҳиблари ҳадисни келтиришган. Термизий ҳадисни ҳасан деган. Ҳоким ҳадисни икки йўл билан келтирган. Бирида Имом Муслимнинг шартига мувофиқ, иккинчисида эса, шайхайнинг шартига мувофиқ деган. Ҳадисни Ибн Ҳиббон «Саҳиҳ»ида келтирган<sup>6</sup>.

### Уч юзинчи ҳадис

Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайҳ) Ҳаммоддан, у отасидан (розийаллоҳу анҳу), у эса Аййуб ас-Саҳтиёндан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилади. Аййуб ас-Саҳтиён айтди:

«Собит ибн Қайсининг хотини Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келди ва: — Мен ва Собит келишолмаймиз, ё Расулуллоҳ, — деди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

— Сенга маҳр сифатида берилган боғ эвазига (боғни унга қайтариб) хулуъ қиласанми (талогингни оласанми — Тарж.)? — дедилар.

— Ҳа, ҳатто янада ортираман, — деди аёл.

— Ошиқчасининг кераги йўқ, — дедилар ҳазрати Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)».

**Изоҳ:** Хулуъ хотиннинг «Менинг жавобимни берсин», дея эрига фидя беришидир. Иккиси келишса, аёл мол бериши керак. Урталарида бир боин талоқ содир бўлади. Имом Бухорий бу ҳадисни Икримадан, у Ибн Аббосдан ривоят қилган<sup>7</sup>.

### НАФАҚА

#### Уч юз иккинчи ҳадис

Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайҳ) Аътодан, у отасидан, у эса Саъддан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилади. Саъд (розийаллоҳу анҳу) айтди: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Аллоҳ таолонинг розилигини истаб қилган ҳар бир нафақанг учун ажр (савоб) оласан. Бу хотининг оғзига узатганинг бир луқма бўлса ҳам", деб марҳамат қилдилар».

**Изоҳ:** Хотинга ва оилага сарфланган нафақадан

<sup>6</sup>«Уқудбўл-жавоҳир», I, 116. <sup>7</sup>«Уқудбўл-жавоҳир», I, 127. <sup>8</sup>«Уқудбўл-жавоҳир», I, 134. <sup>9</sup>«Уқудбўл-жавоҳир», I, 134

савоб қозонилиши ҳақидаги ҳадисни Имом Бухорий «Саҳиҳ»ида Зухрийдан ривоят қилган.

### ҚАСАМЛАР

#### Уч юз олтинчи ҳадис

Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайҳ) Носих ибн Абдуллоҳдан, у Ибн Ажлондан, у Яҳё ибн Яълодан, у Исҳоқ ас-Салулийдан, у Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Нуфайл ал-Ҳофиздан, у Яҳё ибн Абу Касирдан, у Абу Саламадан, у Абу Ҳурайрадан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилади. Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу) айтди:

«Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай марҳамат қилдилар: «Аллоҳ таолога қилинган исёнлар ичида жазоси энг тез бериладигани бузукликдир. Аллоҳга тоатлар ичида савоби энг тез бериладигани силаи раҳмдир (қариндошларни зиёрат қилиш). Ёлгондан ичилган қасам мамлакатни бўш, кимсасиз чўл ҳолига келтириб қўяди, ҳар нарсадан маҳрум қилади».

Бир ривоятда бундай келади: «Силаи раҳмдан бошқа савоби тез бериладиган нарса йўқ. Бузукликдан ва силаи раҳмни узишдан бошқа жазоси тез бериладиган нарса йўқ. Ёлгон қасам мамлакатни кимсасиз чўлга айлантиради, ҳамма нарсдан маҳрум қилади».

Яна бир ривоятда: «Аллоҳга тоатлар ичида савоби энг тез бериладигани силаи раҳмдир. Ёмон амаллар ичида жазоси энг тез бериладигани бузуклик ва ёлгон қасамдир. Ёлгон қасам мамлакатларни кимсасиз чўлга айлантиради», дейилган.

Яна бир ривоятда қуйидагича келтирилган: «Аллоҳга исён этилган амаллар ичида жазоси энг тез бериладигани бузукликдир».

**Изоҳ:** Ҳадисни Имом Термизий келтирган. Бунинг «ғомус» дейилишига сабаб — бундай қасам ичган киши аввал гуноҳга, сўнг оташга шўнғийди<sup>8</sup>.

#### Уч юз ўнинчи ҳадис

Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайҳ) Ҳаммоддан, у отасидан (розийаллоҳу анҳу), у Иброҳимдан, у Асваддан, у Ойиша онамиздан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилади. Ойиша онамиз (розийаллоҳу анҳу) айтди: «Аллоҳ таолонинг: «Аллоҳ сизни қасамларингиздаги лағв сабабли жазоламайди», оятидаги «лағв»дан мурод қасам ичган кишининг қалби ҳеч бир гапга боғланмай, гапириш асносида «йўқ, валлоҳи», «ҳа, валлоҳи», дея сўзлашидир.

**Изоҳ:** «Биллаҳи» деб қасам ичиш уч турлидир: ғомус, лағв ва мунъақид. Ғомус ва лағвда каффорат йўқ. Мунъақид қасам бузилганида каффорат берилади. Уларнинг барчасига оид ҳукмлар бор.

Ҳадисни Имом Бухорий келтирган. Бу ҳадисни Абу Довуд, Байҳақий, Ибн Ҳиббон Ибн Аббосдан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилишган<sup>9</sup>.

Абдуллоҳ МУРОД  
таржимаси

# ҚАЛБИМДА ИМОНЛИ, ХОЛИС

## Юрагим нурга тўлди

Яхшилик болаликданоқ инсон қалбида илдиз отгани яхши. Чимкент шаҳрига қўшилиб кетган, туғилиб ўсган қишлоғим Қўштегирмонга қачон борсам, эски хотираларим уйғонади. Шундай кезлар болаликда дилимга ўрнашган яхшиликлар, хайрли ишларнинг бугунги ҳаётимга ҳам ёрқин таъсирларини сезаман.

Диний-миллий қадриятларимиз қатағонга учраган замонлар эди. Тенгқурим Комилжоннинг эскигина дафтардан нималарнидир такрорлаб юрганини сезиб қолдим ва қўярда-қўймай уни сўраб олдим. Дафтарда қўшнимиз Каримжон ака ўғлига Қуръони каримдан баъзи сураларни ёздирган, маъноларини тушунтирган экан. Бу нарса менга кучли таъсир қилди.

Қалбимда динимизни ўрганишга қизиқиш, имонли, инсофли кишиларга меҳр пайдо бўлди. Қишлоқдошларимизни яхши биладиган Асал бувим ва Рихси аммадан улар ҳақида сўраб-суриштиришга тушдим. Шундайлардан бири Ҳожимат домла экан. Бувимнинг айтишича, қизил империянинг қиличидан қон томиб тургани-

га қарамай, фикри теран, кўзи очиқ бу саховатли ва мард инсон қишлоқ аҳлига ҳақ йўлни тушунтиришдан тинмас экан. Ҳаж ибодатини ўтаб қайтган Ҳожимат отанинг кетмонда ариқларни тозалаб, кўча-кўйни текислаб юрганини кўп кўрганмиз. У бундай ишларни тамасиз, ҳеч кимга озор етказмай қилар, одамлардан ширин сўзини аямас эди.

Яқинда қишлоққа борганимда янги қурилган “Ҳожимат ота” масжидини кўриб, холис қилинган яхшиликнинг умри узоқ бўлишига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Юрагим нурга тўлди.

**Адҳамбек Алимбеков,**  
Чимкент вилояти,  
Абай тумани

## Яшайдан мақсадим

Менинг ёшим ўттиз иккида. Бундан олти йил аввал тамоман бошқа одам эдим. Кимлигимни, яшайдан мақсад нима эканини билмас эдим. Ҳатто ибодат қилаётган кишиларни кўрсам (Аллоҳ кечирсин), устларидан кулардим. Энди ўша жоҳил кунларимга ачинаман, эссизгина умрим... Яратганга ҳамдлар бўлсин, мени ҳидоятга бошлади. Ишқилиб, Аллоҳим қолган умримда йўлдан ҳеч адаштирамай, Ўзи буюрган амалларини бажаришни насиб этсин.

Бундан уч йиллар олдин жума намозидан қайтган укам “Ҳидоят” журнали олиб келди. Қизиқиб

ўқидим. Журналдаги мақолалар, маълумотлар менга бошқача таъсир этди. Шундан сўнг ҳар бир сонини интиқлик билан кутадиган бўлдим. Уни ўқиб, кўп нарсаларни ўргандим. Фарзандларимга ҳам журнални ўқиб бераман. Алҳамдулиллаҳ, жон қулоқлари билан эшитишади, ибратланишади.

Журналнинг яқин сонларидан бирида берилган ҳадисда: “Фарзандини қори қилган ота онага қиёматда нурдан тож кийдирилиши” хушхабарини эшитиб, жудаям қувониб кетдим. Мен ҳам фарзандларим қори бўлишини орзу қиламан. Шунга яраша таълим-тарбия беришга ҳаракат қиляпман. Аллоҳдан тилагим — энди фарзандларимнинг отаси ҳам ҳидоятга кирсалар эди... Дуо қилинг, азизлар!

**Дилбар МАҲМУДОВА**

## Жазодан қўрқаман

Болалар ҳовлидаги чумоли инига сув қуйиб, ташқарига чиққан чумолиларни ўлдиришга ўтгани устига келиб қолдим.

— Ҳой болалар, тўхтанглар, чумолилар сизга нима ёмонлик қилди? — деб “ҳай-ҳай”ладим.

— Ҳовлимизда уй қуриб олиб, ўйнашимизга ҳалақит беришяпти. Шунинг учун уларни йўқотяпмиз, — деди бепишандлик билан болалардан бири.

— Чумолиларга тегманглар, ҳовлимиз кенг, у бизга ҳам, уларга ҳам етади, — дедим. Ва чумолилардан бирини қўлимга олиб: — Болалар, мана бу чумолини икки бармоғим билан эзиб ташлаш мен учун қийин иш эмас. Аммо бундай қилишдан ўзимни тияман, негалигини биласизларми? — деб



# КИШИЛАРГА МЕҲР УЙҒОНДИ

сўрадим. Улар индашмади. — Чунки мени, сизни, уларни яратган Зотдан қўрқиб, чумолларга тегмайман. Аллоҳ таоло бировларга зулм қилишдан қайтарган. Золимни эса шубҳасиз жазолайди.

Болаларга бу гап таъсир қилди, қўл ушлашиб, боғ томон чопиб кетишди.

**Рухиддин АКБАРОВ,**

*Қарши*

## *Қалдирғочлар ўчи*

Шифохонада беморлар дўхтир қабулига навбат кутиб, диққинафас бўла бошлашди. Ҳамма олдинроқ ичкарига кирсам дерди. Ҳатто икки аёл таллашиб ҳам қолишди.

Беморлар орасидан ўтиб бораётган фаррош Ҳалимахон ая гала-говурни эшитиб, тўхтади. Уларнинг нигоҳи аяга қадалди.

— Сабр қилинлар, яхшилар! Ҳаммангиз ҳам отдек бўлиб кетасиз. Асабни эҳтиёт қилайлик. Ичкарига навбат билан иккалангиз ҳам кирасиз. Фақат ўзимизни ўйлаш билан ҳеч нарсага эришолмаймиз. Зўравонлик эса кулфат келтиради. Анавунга қаранлар, — дея ая қўли билан шифтга ишора қилди. У ерда қалдирғочларнинг ёнма-ён солинган икки уяси бор эди. — Шу уяларнинг эскисида қалдирғочлар билан чумчуқлар ўртасида ғалати бир “уруш”нинг гувоҳи бўлдим. Қалдирғочнинг инига бир чумчуқ кириб, қалдирғоч полапонларининг кўзларини ўйиб, ерга улоқтира бошлади. Шунда мода ва нар қалдирғоч фарёд кўтариб, уя атрофида чарх уриб, чирқиллашга тушди. Охири улардан бири уя йўлагини гавдаси билан тўсиб

олди. Бошқаси эса қаёққадир учиб кетди. Ҳисбга олинган чумчуқ ташқарига чиқиш учун харчанд уринмасин, “соқчи” қалдирғоч имкон бермади. Салдан кейин хонага бир гала қалдирғочлар учиб келишди. Улар мушкул муаммони ҳал қилишаётгандек бир дам вижирлашишди.

Бир қарорга келишди чоғи, “соқчи” қалдирғочдан бошқалари хонани бир зумда тарк этишди. Бир оздан сўнг тумшуғида сомонли лой билан қайтган ҳар бир қалдирғоч ин йўлагига бир-бир қўниб, уя оғзини суваб, беркитаверишди. Хуллас, зўравонни тириклай қўмишди. Ўша куни эски уя — чумчуқ “қабри”нинг ёнида янги уя — мана буниси пайдо бўлди.

Ҳар ким қилмишига яраша жазоланади. Ҳатто жотзотларда ҳам шундай экан. Ҳалима опа воқеани айтиб берар экан, хасталиklarини унутган кишилар қалдирғоч уясига термулиб, оқибат ҳақида ўйлашди-ми, ҳартугул жим бўлиб қолишди...

**Ҳабибулла МАМАТОВ,**

*Учқўрғон тумани*

## *Сўзнинг қадри*

Кейинги пайтларда газит-журналларда Аллоҳ каломи, Расулulloҳнинг (алайҳиссалом) ҳадиси шарифлари га кўпроқ мурожаат этилаётгани қандай яхши!

Аммо кўчакўйда, ахлат қути-

ларида ва бошқа ножоиз жойларда ёзувли қоғоз парчасига кўзим тушса, ногоҳ титраб кетаман. Ахир унда муборак каломлар бўлса, катта гуноҳга ботамиз-ку! Ҳолбуки, анча-мунча кишилар буни умуман ҳис қилишмайди. Газит-журнал саҳифаларини тўғри келган жойга улоқтириб, истаган эҳтиёжларига ишлатаверишади. Бу нодонлик аломати.

“Ҳидоят” журнали ва “Ислом нури” газити саҳифаларида оят ва ҳадислар берилаётгани боис ўқувчилардан нолойиқ жойларга ташламаслик сўралгани жуда тўғри. Менимча, ҳар бир нашрда шундай эслатма бўлиши керак. Бу огоҳлантирув саёзхаёл кишиларни ҳушёр торттиради. Умуман, вақтли матбуотда гуноҳга бошлайдиган, ғийбат ва ёлғондан иборат, сўзнинг қадрини туширадиган олди-қочди нарсалар ўрнига кишини маърифатга бошлайдиган, имон кучини оширадиган мақолалар, ўғит ва ҳикматлар берилса, газит-журналларнинг обрўйи кўтарилар, ҳақиқий ўқувчилар кўпаяр эди, деб биламан.

**Аннамурад ЖУМАҚУЛИЕВ,**

*Сариосиё тумани*





# ИСЛОМ ВА ОЛАМ



## Танлов якунланди

Шу йил май ойининг охиригача Русия давлат радиосида ҳар ҳафта “Ислом овози” дастури эфирга узатиб турилди. Эшиттириш Масковнинг илмий-маърифий маркази билан ҳамкорликда ўтказилган “Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳақларида нима биласиз?” номли кўриктанлов якунига бағишланган эди.

— Дастуримиз ўн тўрт йилдан бери эфирга чиқади, — деди “Ислом овози”нинг муҳаррири Жаннат Сергей Маркус. — Ҳозир эфир бўйича катта ислохотлар бошланди. Ёз ойларида диний мавзулар кўлами ва эшиттиришлар салмоғи, шакли ўзгаради. “Ислом овози” биз учун илк тажриба бўлди. Ишончим комилки, мамлакатнинг ички ва халқаро манфаатларини ҳимоя қилишда Ислом динимиз ҳақидаги маърифий, мунозарали ва ёшларбоп эшиттиришлар муҳим аҳамият касб этади.

Танлов якунларига кўра, Иркутск (Эрқут) вилоятидан Мария Миллер биринчи, бошқирдистонлик Ойхилув Сафина иккинчи ва чувашистонлик Рафиқ Сапиров учинчи ўринга лойиқ деб топилди. Танловда мусулмонлардан бошқа дин вакиллари ҳам қатнашишди.

[www.islam.ru](http://www.islam.ru)

## Ислом институти очилмоқда



2005 йилнинг сентябр ойида Новгород шаҳрида Нижегород Ислом институти очилиши режалаштирилмоқда. Нижний Новгород ва Нижегород вилоятлари мусулмонлари диний бошқармасининг хабарига кўра, институт “Моҳинур” ва “Мадина” мадрасалари таркибида очилади.

“Мадина” мадрасаси шу йилнинг май ойи охирида Нижегород вилоятида расман рўйхатдан ўтказилган. Бунгача у “Моҳинур” Ни-

жегород мадрасасининг шохобчаси сифатида фаолият юритар эди. Эндиликда бу ўқув муассасаси ўрта-махсус таълимга ихтисослашган мустақил нодавлат билим юрти мақомига эга бўлди.

“Моҳинур” мадрасасининг фаолияти асосан методик дастурлар ишлаб чиқишга, илмий адабиётлар нашр этишга, “Мадина” мадрасасининг иши эса, имом-хатиблар ва мударрислар тайёрлашга йўналтирилган.

“Бу икки мадраса фаолиятини бир йўналишда, умумий қоидалар асосида юритяпти ва бутун Нижегород вилояти ҳамда Русиянинг бошқа минтақаларига имомлар етказиб берувчи изчил исломий таълим тизимини ташкил этияпти”, деб таъкидлади диний бошқарма вакили.

[www.islam.ru](http://www.islam.ru)

## Ташкилот номи ва мақоми ўзгаради

Малайзия ташқи ишлар вазири, айти дамда ИКТга бошчилик қилаётган Саид Ҳамид Албар Ислом Конференсаси ташкилотининг номи ўзгариши ва қайта тузилиши ҳақида хабар берди.

Ушбу режани кўриб чиқиш учун ИКТга аъзо 57 мамлакат вакиллариининг йиғилишини 2005 йилнинг охирида Яман пойтахти Санода ўтказиш мўлжалланмоқда. Декабр ойида Маккада ўтказиладиган йиғинда бу масала узил-кесил ҳал этилиши мумкин.

“ИКТнинг номини ўзгартириш, ташкилотни ислоҳ қилиш, халқаро майдондаги макъеини мустаҳкамлаш учун қўшимча куч йиғиш ва янада фаол ҳаракат қилиш чораларидан биридир”, дея таъкидлади Саид Ҳамид. Унинг фикрича, янги ном ташкилотнинг ҳақиқий моҳиятини акс эттириши лозим. Ҳозирда ташкилотни “Ислом давлатлари ташкилоти” ёки “Мусулмон мамлакатлари ташкилоти” деб номлаш кўзда тутиляпти.

“ИКТда катта ўзгаришлар бўлади. Биздан ўзимизнинг ўрнимизни белгилаб олиш талаб этилади. Мусулмон мамлакатлари халқаро ҳаётдаги воқеаларнинг энг қайноқ нуқтала-

рида туришлари лозим”, деди Саид Ҳамид.

Шунингдек, матбуот билан ишлаш ва халқаро конфессиялар билан алоқа ўрнатиш каби вазифаларда эркин ҳаракат қилиш учун ташкилот котибиятининг фаолиятини ҳам жонлантириш режаси тузилган.

Ҳозирги кунда Ислом конференсаси ташкилоти мусулмонларнинг энг йирик ва нуфузли халқаро уюшмаси ҳисобланади. Ташкилотга 1969 йилнинг сентябрида Работда (Мароқаш) асос солинган эди.

*Islam Online Com*

### **Буюк Британияда Ислом**

Кардифф дорулфунуни қошидаги Исломни ўрганиш марказига “Замонавий Буюк Британияда Ислом” мутахассислиги бўйича талабаларни тайёрлаш ҳуқуқи берилди. Ўқув юрти сайтининг хабарига кўра, янги мутахассисликка биринчи навбатда мусулмон жамоалари билан боғлиқ бўлганлар жалб этиляпти.

Курснинг учдан бир қисми Буюк Британияда Исломни ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб боришнинг методологик тамойилларига бағишланган. Қолган икки қисми талабаларга мусулмон мамлакатларнинг тарихидан чуқур билим беради.

Талабалар Британиядаги Исломни ўрганиш билан бирга, жамиятшунослик, сиёсатшунослик, этнография ва бошқа фанлардан ҳам сабоқ олишади.

[www.islam.ru](http://www.islam.ru)

### **Франса ҳукуматининг мусулмон аъзоси**



Қирқ саккиз ёшли Азиз Бехоҳ яқинда Франсанинг янги бош вазири Доминика де Вилпаннинг ўринбосари этиб тайинланди. Янги ҳукуматда у фуқаролар тенглиги масалалари билан шуғулланади. Азиз Бехоҳ ўзининг бенуқсон обрў-мартабаси ва тақводорлиги билан машҳур. Бундан ташқари, уни ирқчилик ва миллатчиликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашчи сифатида ҳам билишади. Шу боисдан Франса мусулмонлари унга катта умид боғлашяпти.

Бехоҳ Лионда туғилган жазоирлик қашшоқ муҳожирнинг етти фарзандидан бири. У до-

рилфунунда таҳсил олди. Ёш муаллим жамиятшунослик соҳасида фалсафа доктори унвонини олди ва кейинчалик сиёсатчи бўлиб етишди. Айни пайтда ёзувчи ҳамдир.

*Islam Online*

### **Эътибор қозониш учун**

Ҳиндистон Миллий конгресси мамлакат мусулмонларининг эътиборини қозонишга ҳаракат қияпти. 1992 йили Бабри масжидининг вайрон этилиши натижасида ишончли йўқотган партиянинг интилишлари тобора аниқ кўринмоқда.

Конгрес президенти Соня Ганди яқинда ўн милён мусулмон ҳинд қўллаб-қувватлайдиган мамлакатдаги энг нуфузли исломий ташкилотлардан бири бўлган “Жамоати уламои Ҳинд”нинг йиғилишига борди.

Ҳиндистонда 140 милён мусулмон яшайди. Ҳинд мусулмонлари адад жиҳатидан дунё бўйича Индонезиядан кейин иккинчи ўринда туради. Шунга қарамай, Ҳиндистондаги мусулмонлар ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволда яшайдиган аҳоли сирасига киради.

*Islam Online Com*

### **Ким ўргатиш учун ўрганса**



Шу йилнинг 1 июн куни Ўзбекистон мусулмонлари идорасида “Йил ўқитувчиси” кўрик-танлови бўлди. Унда Тошкент Ислом институти ва ўрта-махсус диний билим юртли мударрис ва мударрисалари диний, маънавий, мураббийлик йўналишлари бўйича билим ва иқтидорларини синаб кўришди. Уларнинг дарс сифатини ошириш борасидаги ижодий ишлари, янгича кўргазмаларни ўқув қуроллари ҳам баҳоланди.

Натижаларга кўра, ҳамкасблари ичида Тошкент Ислом институти мударриси Муҳаммад Аййуб Ҳомидов биринчи ўринга лойиқ деб топилди ва ҳаж ибодатини ўташ имтиёзи билан тақдирланди. Мударрисалардан Ҳадичаи Кубро аёл-қизлар мадрасаси муаллимаси Мўътабар Ҳайдаровага пул мукофоти ва эсдалик совғалари топширилди.

Муҳаммад СОЛИҲ МУНАЖЖИД

Инсонлар энгил санайдиган,  
аммо сақланишлари вожиб бўлган

# ҲАРОМ НАРСАЛАР

## Ўз отасидан бошқани ота ҳисоблаш ва ўзидан бўлган фарзандидан тониш

Мусулмон ўз отасидан бошқани ота ҳисоблаши ёки миллатини ўзгартириши мумкин эмас. Шариатимизда бу иш тақиқланган. Баъзилар, иқтисодий мақсадларни кўзлаб, миллатини ўзгартириб олади. Ёки отаси ёшлигида ташлаб кетгани учун жаҳл қилиб, ўзгани ота ҳисоблаб, унинг номини ота сифатида қабул қилади ва расмий ҳужжатларда буни қайд эттиради. Бу иш ҳаромдир. Саъд ибн Абу Ваққос ва Абу Бакр Сиддиқдан (розийаллоҳу анҳум) Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) бундай деганлари ривоят қилинган: “Ким ўзи билатуриб, ўзгага (бегонага) фарзандликни даъво қилса, жаннат унга ҳаромдир” (*Бухорий ривояти*). Насл-насабни қалбакилаштиришнинг ҳар қандай кўриниши шариатда ҳаромдир. Баъзи эрлар хотини билан жанжаллашганида, унга ўчакишиб, бузуқликда айблайди ва пушти камаридан бўлган фарзандидан воз кечади. Баъзи хотинлар эрларига хиёнат қилиб, бегонадан ортирган болани эрига боғлайди. Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу) ривоят қиладилар: Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Қайси аёл бир қавмга улардан бўлмаган болани кўшиб юборса, Аллоҳдан ҳеч нарсага эга бўла олмайди ва ҳеч қачон Аллоҳ уни жаннатга киргизмайди. Ва қайси бир эркак ўз фарзандидан билатуриб юз ўгирса, Аллоҳ ҳам ундан юз ўтиради ва олдин-кейин ўтганлар ҳузурда уни шарманда қилади” (*Абу Довуд ривояти*).

## Судхўрлик

Аллоҳ таоло судхўрларга қарши уруш эълон қилган. Бақара сурасининг 278—279-оятлари мазмуни бундай: “**Эй мўминлар Аллоҳдан кўрқингиз ва агар чиндан мўмин бўлсангиз, судхўрлик сарқитларини тарк қилингиз! Энди агар (бу буйруққа итоат) қилмасангиз, у ҳолда Аллоҳ ва Пайғамбари томонидан бўлган урушни билиб қўйинг!**” Судхўрликнинг нақадар оғир жиноят эканига мазкур оят баъни кифоядир.

Давлатлар ва халқлар тарихини ўрганган ҳар бир киши уларнинг инқирозга учраши, шир-

катларнинг синиб кетишлари, қарзга ботишлар, иқтисодиётнинг издан чиқиши, ишсизликнинг болалаб кетиши, касодга учраши, қилинаётган тинимсиз оғир меҳнат, жуда катта маблағлар ўша таг-туби йўқ фоизларнигина тўлашга кетиши, улкан бойликларнинг бир ҳовуч кишилар қўлига ўтиб қолиши каби оғир иллатлар судхўрлик касофатидан эканига гувоҳ бўлади. Булар Аллоҳ ваъда қилган урушнинг баъзи кўринишлари бўлса, ажаб эмас.

Саҳоба Жобир (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилади: Пайғамбар (алайҳиссалом) рибо егувчини ҳам, едирувчини ҳам, уни ёзувчи ва унга гувоҳ бўлганларнинг барини лаънатладилар ва “Улар тенгдир”, дедилар.

Шунга биноан судхўрликни қайд этишда, олишда-беришда, сақлашда, умуман қандай тарзда бўлса ҳам, унга кўмаклашиш ҳаром бўлади.

Абдуллоҳ ибн Ҳанзала (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар (алайҳиссалом): “Кишининг билатуриб судхўрликдан бир динор емоғи, ўттиз олти зинодан (гуноҳда) оғирроқдир”, деганлар (*Имом Аҳмад ривояти*). Судхўрликнинг ҳаромлиги ҳаммага бир хил, бойкамбағал ҳеч ким ажратилмаган, балки ҳар бир ҳолат, ҳар бир шахсга тааллуқлидир. Қанча-қанча бой-бадавлат кишилар, катта савдогарлар, судхўрлик сабабидан касодга учраганларига воқеълик далилдир. Ҳеч қурса, молининг ҳисобсаноғи кўп бўлса-да, баракаси бўлмайди. Пайғамбар (алайҳиссалом): “Рибода (мол) кўпайса ҳам, оқибати камлик бўлади”, деганлар. Шунингдек, рибо фоизнинг баланд ёки паст бўлиши билан белгиланмайди. Унинг ози ҳам, кўпи ҳам ҳаромдир. Судхўр қиёмат куни шайтону жинлар урган кишидек қабридан алаҳсираб туради.

Судхўрлик гуноҳини қилган кимса тавба қилса, Аллоҳ таоло афв этади: “**Агар тавба қилсангиз, дастмоянгиз ўзингизга, зулм ҳам қилмасиз, зулм ҳам кўрмайсиз**” (*Бақара, 279*). Мўмин гуноҳлардан нафратланиши ва уларнинг қабиҳлигини ҳис этиши зарур. Бошда билмасдан рибо аралашган жойларга бойликларини кўйган ёки риболи ишларга аралашиб қолганлар бўлса, Аллоҳга истиғфор айтишлари ва бундан бошқа



пулни кўпайтирадиган ҳалол ва баракали йўлларни излашлари зарур бўлади. Чунки Аллоҳ таоло пок, бинобарин, пок нарсаларнигина қабул қилади. Мусулмонман дегувчи ҳар бир шахс, қандай йўсинда бўлишидан қатъи назар, ейишичишми, кийинишми, машина олишми, уй-жойли бўлишми, оиласини, ота-онасини боқиб ва закот чиқаришу жарималарни тўлашдами, рибодан фойдаланиши мумкин эмас.

### **Молнинг айбини яшириб сотиш**

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) идишда бугдой сотаётган кишининг олдида ўтаётган қўлларини идишга тикдилар. Шунда бармоқлари намни сезди, сотувчига: “Эй бугдойнинг эгаси, бу нима?” дедилар. “Ёмғир тегибди”, деди у. Ул зот: “Одамлар кўришлари учун устига чиқариб қўймайсанми? (Савдода) алдаган киши биздан эмас”, дедилар (*Мусулм ривояти*).

Бугунги кунда Аллоҳдан қўрқмайдиган кўпаб сотувчилар молнинг айбини устидан елимлаб яширади ёки айби борини энг тагига қўйиб ёки кимёвий моддалар қўллаш каби усуллар билан молнинг ташқи кўринишини яхшилади, ундаги айбни турли усуллар билан яширади. Молни харидор сотиб олгач, кўп ўтмай у ишдан чиқади. Баъзилар молнинг яроқлилиги муддатини ўзгартиради ёки харидорга уни яхшилаб кўришга ёки текшириб ё синаб олишга йўл қўймайди. Сифатли ёғга сифати пастроғини, олий нав унга биринчи нав унни аралаштириб сотиш, машина юрган километр рақамларини орқага айлантдириб сотиш ва ҳоказо шунга ўхшашларнинг бари ҳаромдир. Азиз сотувчилар! Ўзингизга шундай иш қилишса, рози бўласизми? Сиз алдаётган киши кимлигини билиб қўйинг. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) айтганлар: “Мусулмон мусулмон билан ака-укадир. Ўз ака-укасига айби бор нарсанинг айбини айтмай сотиш ҳалол эмас” (*Ибн Можжа ривояти*). Яна бир ҳадисда бундай деганлар: “Олувчи ва сотувчи бир-бирларидан ажраунларича ихтиёрлидирлар. Агар улар рост ва очиқ савдо қилсалар, савдолари баракали бўлади. Ёлғон ва ҳийлали савдоларидан эса, барака кўтариллади” (*Бухорий ривояти*).

### **Ёлғон харидорлик**

Сотиб олишни хоҳламаган ҳолда бошқа харидорларни алдаш учун товарга қиммат нарх таклиф қилишни ҳадисларда “Нажш савдо” дейилган. Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз

(алайҳиссалом): “Нажш (ёлғон харидорлик) қилманглар!” деганлар. Бу ҳам макр-ҳийланинг бир туридир. Ҳадиси шарифда “Макр ва ёлғон дўзах (амали)дир”, дейилган. Бозорга кириб келлаётган сотувчининг молини арзон баҳо беришга келишиб олиб, уни алдайдиган, аммо мол ўзларига қарашли бўлса, аксинча, билинтинмай харидорлар орасига кириб, нархни кўтарадиган ва шу билан Аллоҳнинг бандаларини алдайдиган, уларга зарар етказадиган маккорлар Аллоҳдан қўрқсинлар...

### **Жума намозининг иккинчи азонидан кейин савдо қилиш**

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: “Эй мўминлар қачон жума кундаги намозга (азон) чақирилса, дарҳол Аллоҳнинг зикрига (яъни, жума намозини адо қилиш учун) шошиб боринглар ва олди-сотдини тарк қилинглар! Агар билсангиз, мана шу (иш) ўзларингиз учун яхшироқдир” (*Жума, 9*).

Баъзи сотувчилар дўконларида ёки масжидларнинг ёнида жумадаги иккинчи азондан кейин ҳам савдоларини давом эттиравердилар. Улардан нарса сотиб олаётган харидорлар ҳатто мисвок сотиб олсалар ҳам, улар билан гуноҳда шерик бўлишади. Баъзи ошхоналар, нонвойхоналар ва корхоналарнинг эгалари бўлса, ишчиларини жума вақтида ишлашга мажбур қилишади. Бир қарашда уларнинг фойдалари кўпаяётгандек кўринса ҳам, аслида зиёндан ўзга нарсани ортиролмайдилар. Энди бундай ҳолатга солинган ишчига келсак, у Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) бу ҳадислари мазмуни бўйича иш тутиши керак: “Гуноҳ ишда бандага итоат қилинмайди” (*Имом Аҳмад ривояти*).

Бандага итоат этаман деб Аллоҳга гуноҳ қилинмайди.

### **Камолиддин ИНОЯТУЛЛОҲ ўғли таржимаси**





*Абдулҳаким қори Матқулов 1964 йилда туғилган. 1990 йили Имом ал-Бухорий номидаги Тошкент Ислом олий маъҳади-ни битирган. Сўнгра Ўзбекистон мусулмонлари идорасида турли масъул вазифаларда ишлади.*

*1999 йилдан буён Кўкалдош мадрасаси мудиридир.*

лигига алоҳида эътибор берамиз. Диний ўрта-махсус билим юртлари ичида фақат Кўкалдош мадрасасида талабаларга юз фоиз олий маълумотли мутахассислар дарс беришади. Чуқур билимли, бағрикенг ва фидойи мударрисларимиз мадрасамиз муҳитини белгилайди. Дўстмуҳаммад домла Насриддинов, Муҳаммадамин домла Алихонов, Абдусалом домла Восиев, Зоҳиджон қори Азимбоев, Сирожиiddин домла Жангиров шундай мударрисларимиздан.

# ТАЛАБА УЧУН МУҲИМИ

*Тошкентдаги Кўкалдош мадрасаси мудири*

— Тошкентга келганлар Кўкалдош мадрасасини, бу қадимий ва гўзал меъморий обидани кўришни истайди, тарихи билан қизиқади. Қори ака, ҳўп десангиз, суҳбатимизни шундан бошласак...

— Бисмиллаҳир роҳманир роҳим. Дарҳақиқат, асрларни оралаб келаётган муҳташам обиданинг шаҳар марказида кўр тўкиб туриши ўзи бир ҳикмат.

Мадраса шарқ мусулмон меъморлигининг гўзал намунаси, Тошкентнинг қадим илм бешиги сифатида ҳам жуда қадрлидир.

Муҳаммад Солиҳ Қораҳўжа Тошкандий “Тарихи жадидаи Тошканд” китобида Кўкалдош мадрасаси биносини 1569—1570 йиллари Дарвешхон курдирганини ёзади ва уни “Дарвешхон мадрасаси” деб атайти.

Мадрасанинг баланд жойда, Хожа Аҳрор Валий жомеъ масжиди ёнида қурилгани бежиз эмас. Ривоят қилишларича, савдо карвонлари сайёҳлар, мусофирлар ҳаво булут, қоронғу кечаларда Кўкалдош мадрасаси чироқларига қараб, йўлларини тўғрилаб олишар экан.

Мадраса анъанавий меъморий услубда қурилган бўлиб, кенг ҳовлиси айвончалар билан ўралган. Хужралар сони 114 та, рамзан Қуръони карим суралари сони билан тенг, мадраса уч қаватли бўлган. XVIII асрда дарсхоналар, масжид устидаги зангори гумбазлар ва юқори қава-

тининг гиштлари кўчириб олиниб, Бегларбеги мадрасаси қурилишига ишлатилади.

Кўкалдош орадан беш аср ўтса ҳам, Тошкент ҳуснига чиройли холдек ярашиб турибди. Мадрасани обод қилиш мустақилликдан кейин чинакам тус олди. 1994 йили масжид мақоми берилган мадраса 1999 йили Ислом ўрта-махсус билим юрти бўлди. Ҳозир мадрасага кириш пештоқи таъмирланяпти. Унда Фотиҳа сураси нақшланади.

Бу билим даргоҳига кўплаб таниқли олиму фузалонинг қадами етган. Жумладан, шоир Муҳаммад Аминхўжа Муқимий 1880 ва 1890 йиллари Тошкентда бўлганида Кўкалдош мадрасасида ўқиган. Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат эса 1889—1891 йиллари мадрасада яшаб, илмини чуқурлаштирган. Шунингдек, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳам 1910—1911 йиллари мадраса хужраларидан бирида истиқомат қилган. Мадрасада яна шоир Хислат, Олтинхон Тўра, Юнусхон Мақсудий, Зиёуддинхон ибн Эшон Бобоҳон каби кўплаб машҳур зиёлилар таълим олишган.

— Кейинчалик уларнинг ўзлари етук устозлар бўлиб етишганларини яхши биламиз. Бу жараён бугун қандай давом этияпти? Чунки талабаларнинг билими ва одоби устозларнинг қандай ишлашига ҳам боғлиқ бўлади.

— Тўғри айтасиз. Биз мударрисларининг ҳартомонлама етук-

Улар сафига Мисрдаги Ал-Азҳар дорилфунунини битирган Эркин Миркомиллов, Анвар Аброров, Мадинаи мунаввара жомеасида ўқиган Носирхон Абзалилов, Покистон Ислом университетиде таҳсил олган Абдуҳалил Обиджон каби дунё кўрган ёш ўқитувчилар кўшилишди. Аксар мударрисларимиз шаҳримиз жомеъ масжидларининг имом-хатиблари ҳамдир. Уларнинг тажрибасидан талабалар кўп нарса ўрганишади.

Таълим усулларини ранг-баранг қилиб, самарасини кўтариш мақсадида мударрисларимиз босқичма-босқич Тошкент Ислом университетиде малака оширишмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг “Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида” қарори бу борадаги яхши ҳаракатларга янги имкониятлар очди.

— Мадрасада қандай фанлардан сабоқлар берилади? Қайси фанлар чуқурлаштириб ўргатилади? Талабаларнинг ўзлаштиришлари сизни қониқтирадими?

— Мадрасамизда Қуръон фанлари, тажвид, тафсир, ҳадис, Ислом тарихи, араб тили, сарф, наҳв, фикҳ, ақоид каби диний фанлар билан бирга математика, жуғрофия, Ўзбекистон тарихи, фалакиёт, физика, информатика, педагогика, нафосат, маънавият асослари каби дунёвий фан-

лар ҳам ўргатилади. Бу фанлар ичида, хоссатан, Куръони карим ва тажвидни малакали устозлар пухта ва чуқур ўргатишади. Кейинги пайтда тафсир, фикҳ ва ҳадис фанларидан чуқурлаштирилган режа асосида сабоқлар берилипти.

Талабаларнинг ўзлаштиришлари яхши. Аксарияти сабоқларга ихлос билан ёндашади. Ягона фан мусобақаси ғолиби Маъмуржон Эркаев Тошкент Ислом институтида грант асосида ўқийдиган

— Шароитсиз ҳеч бир ишнинг натижаси бўлмайди. Шу боис талабаларимизнинг ўқиш ва яшаш шароитларини замонавий меъёрларга мослаш асосий ишларимиздан.

Алҳамдулиллаҳ, бу ҳол йилдан йилга яхшиланаяпти. Яқинда қайта таъмирланган ўн тўртта ҳужранинг аксариятида энди замонавий таълим воситалари ёрдамида дарслар ўтилади. Жумладан, Ислом тараққиёт банки кўмагида информатика хонаси энг сўнгги русумдаги

ҳол; 086-U шаклидаги тиббий маълумотнома; маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асл нусха); 3x4 ўлчамли саккиз дона фотосурат; туғилганлик тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт (асли кўрсатилади); яшаш жойидан маълумотнома; ота-онасининг розилик хати (вояга етмаганлар учун); яшаш жойидаги масжиддан йўлланма; 16 ёшдан катталар учун ҳарбий хизматга лаёқати ҳақидаги ҳужжат талаб қилинади. Абитуриентлар она тилидан

# ИХЛОС ВА ГЎЗАЛ ОДОБ

Абдулҳаким қори Матқулов билан суҳбат

бўлди. Иқтидорли ва интилувчан талабаларимиз хориджадаги беллашувларда ҳам иштирок этишмоқда. Жумладан, талабаларимиздан Ҳамидуллоҳ Турғунов Саудия Арабистонида, Самихон Исроилов Миср Араб Республикасида, Абдуносир Ҳусанов, Қосим Каримов Русия Федерациясида ўтказилган Куръон мусобақаларида муваффақиятли қатнашишди. Талабаларимиз коллеж ва литсейлар ўртасида ўтказиладиган “Баркамол авлод” спорт мусобақаларининг ҳал қилувчи босқичида фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда. Ислом ўрта-максус билим юрглари ўртасидаги спорт беллашувларида талабаларимиздан Абдулла Мингниёзов, Саид Избосаров биринчи, Жуманазар Ҳақназаров, Мусулмон Эргашев, Ўрол Эргашев иккинчи, Абулқосим Абдурахимов учинчи ўринларни қўлга киритишди.

— Талаба ҳаётида китобнинг ўрнини ҳеч нарса тўлдиролмайди. Мадрасада дарслик ва ўқув қўлланмалари етарлими?

— Етарли. Мадраса кутубхонасида йигирма мингдан ортиқ китоб бор. Каттагина қироатхона ҳам доимо очик. Талабалар қироатхонада ўтириб ёки қўлланма ва китобларни ётоқларига олиб, бемалол фойдаланишлари мумкин.

— Яна бир асосий масалани сўрамоқчиман. Талабаларнинг ўқиш ва яшаш шароитлари қандай?

Йигирма дона кампютер билан жиҳозланди. Талабалар сарф, наҳв, қироат каби фанлардан якка тартибда шуғулланишлари мумкин. Жиҳозланган алоҳида хоналарда наққошлик, ўймакорлик, араб тили, эски ўзбек ёзуви тўғрақлари ишлайди. “Соғлом танда соғлом ақл” шиорини амалда рўёбга чиқариш учун яхши шароит керак. Шу шароит бизда бор. Мадрасадаги барча жисмоний тарбия дарслари ва чиниқиш машқлари ёнимиздаги Ички ишлар вазирлигига қарашли “Жар” спорт-соғломлаштириш марказида олиб борилади. Мадрасанинг ўзида яшаш учун керакли қулайликларга эга қирқ ўринли ётоқхонамиз бор. Худди шундай эллик ўринли иккинчи ётоқхонамиз Шайх Зайниддин жомеъ масжидида жойлашган.

— Ўқув даргоҳларига кириш учун синов даври яқинлашмоқда. Бизга кўплаб ёшлар, мактабни битирувчилар хат йўллаб, диний билим юртларига киришлари учун қандай ҳужжатлар кераклигини ва қайси фанлардан имтиҳонлар бўлишини сўрашади. Кўкалдош мадрасасига кириш тартиби ҳақида маълумот берсангиз. Мадраса қошида тайёрлов бўлими бор экан. Унда нималар ўргатилади?

— Мадрасага мактабнинг 9 ёки 11-синфини тамомлаган ёшлар қабул қилинади. Ҳужжатлар 20 июндан 20 июлгача олинади. Кирувчилардан: билим юрти мудири номига ариза; таржимаи

ёзма иш (диктант), чет тили ва тарихдан тест топширадилар, маънавият ва маърифат асосларидан оғзаки синов бўлади. Натижаларга кўра, ўқиш грант ва шартнома асосида олиб борилади. Билим юрти қошидаги тайёрлов бўлимида тингловчилар Куръони карим, фикҳ, араб, инглиз тили каби фанлардан билимларини пухталайдилар. Фурсатдан фойдаланиб, илм ўрганиб уни бошқаларга ҳам ўргатишни ниятлаган укаларимга сабр, матонат, чидам тилайман. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қиладилар: “Ёшликда олинган билим тошга ўйилган битикка ўхшайди”. Дарҳақиқат, бу қимматли, бетақрор фурсатларни илм олиш ва яна илм олишга сарфлаш икки дунё саодатининг қалитидир.

— “Ҳидоят” журналида берилётган мақолалар ҳақида фикр ва таклифларингиз...

— “Ҳидоят” Кўкалдошда! Шу гапнинг ўзи кўнглимда фахр туйғусини уйғотади. Журналда берилётган мақолаларнинг илмийлиги сондан-сонга чуқурлашмоқда. Бунинг мударрисларимизга, айниқса, талабаларимизга катта фойдаси тегишти. Шу боис мунтазам мутулаа қилиб боришади.

Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ  
суҳбатлашди



Динимиз мусулмон кишидан пок имон-этиқод билан яшашни талаб қилади. Зеро, Ислом бешикдан то қабргача инсон умрининг ҳар бир лаҳзасига аҳамият берган мукамал диндир. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муборак ҳадисларида бундай деганлар: “Ислом беш нарса устига барпо қилинган: Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ деб иқрор бўлиш, кунда беш вақт намоз ўқиш, молидан закот бериш, Рамазон рўзасини тутиш ва қодир бўлса, ҳаж қилиш”.

Ислом тинчлик, маърифат динидир. Аллоҳ таоло: **“Ким бирон жонни ўлдирмаган ва ерда бузғунлик қилиб юрмаган одамни ўлдирса, демак, гўё барча одамларни ўлдирибди ва ким унга ҳаёт ато этса (яъни, ўлдиридришдан бош тортса), демак, гўё барча одамларга ҳаёт берибди”**<sup>4</sup>, дея марҳамат қилган.

Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) рисолатни етказишда ҳоқимиятга эришишни кўзламадилар. Балки Макка зодагонлари даъватни тўхтатиш эвазига шаҳар ҳоқимлигини таклиф

Ислом илм ва маърифат дини бўлгани учун муқаддас китобимиз Қуръони каримнинг илк нозил бўлган ояти **“Ўқи!”** деган илоҳий хитоб эканини эслатиб ўтишнинг ўзи кифоя. Қуръони каримда ҳақиқий фойдали илмга тарғиб қилувчи жуда кўп оятлар бор.

Юртимизда мусулмонлар ўртасидаги тушунмовчилик ва англашмовчиликларнинг аксари айни илмсизлик ёки ўқиган илмини тўғри талқин қила олмаслик туфайли содир бўлмоқда.

Абдулқодир Жийлоний ҳаз-

## МУКАРРАМЛИККА МУНОСИБ БЎЛАЙЛИК

Ҳозир бу беш фарзни бажаришда бизга ҳеч ким тўсқинлик қилаётгани йўқ. Аллоҳга шукр, юртимизда масжидлар тобора обод бўлмоқда. Ҳаж ва умра сафарига бориш учун қулай имкониятлар яратилган, ўнлаб исломий билим юртлари талабаларга очик. Бу неъматлардан оқилона фойдаланиб, тинчлик ва тараққиёт йўлидаги хайрли ишларда билим ва меҳнатимизни аямаслигимиз лозим.

Аммо четдан келиб, мусулмонлар орасида фиску фасод чиқариб, тафриқабозликка ундовчи, отани болага, болани отага тескари қилиб қўювчи ёт гоёларга эргашиш Исломнинг асл мақсадига мутлақо хилофдир. Чунки Аллоҳ таоло: **“Эй мўминлар, тўла ҳолдаги Исломга киригиз! (Яъни, Исломнинг баъзи ҳукмларига итоат қилиб, баъзиларига итоат қилмайдиган кимсалардан бўлмангиз!) Ва шайтоннинг изидан эргашманглар! Шубҳасиз, у сизларнинг очик душманингиздир!”**<sup>1</sup>; **“Ва барчангиз Аллоҳнинг арқонига (Қуръонга) боғланигиз ва (фирқаларга) бўлинмангиз!...”**<sup>2</sup>; **“Аллоҳ эса бузғунчилик-фасодни севмайди”**<sup>3</sup>, дея амр этган.

қилишганида, ул зот: “Улар менга подшоҳ бўлишни ваъда қилибдилар, агар ўнг елкамга қуёшни, чап елкамга ойни қўндириб қўйсалар ҳам, мен “Ла илаҳа иллаллоҳ”дан қайтмайман”, дея жавоб берганлар.

Динимиз ҳукмларини тўғри тушунган мусулмон ҳеч қачон зўравонликка йўл бермайди, одамларга моддий ва маънавий босим ўтказмайди. Бу борада ҳам Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бизларга буюк ибрат бўлганлар. Мужоҳиддан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Агар инсонлар мулоиймлик ва юмшоқликнинг яратилишига қарасалар, ундан яхшироқ махлуқни кўрмайдилар, агар кўполликнинг яратилишига назар солсалар, ундан хунукроқ махлуқни кўрмайдилар”**, дея марҳамат қилганлар.

Зеро, Аллоҳ таоло: **“(Эй Муҳаммад) Аллоҳ томонидан бўлган бир марҳамат сабабли, уларга (саҳобаларингизга) юмшоқ сўзли бўлдингиз. Агар кўпол, қаттиқдил бўлганингизда эди, албатта, улар атрофингиздан тарқалиб кетган бўлар эдилар”**<sup>5</sup>, дея марҳамат этган.

ратлари “Динингизнинг зоеъ бўлмоғи тўрт нарса биландир: биринчиси, билган нарсангизга амал қилмаслигингиз; иккинчиси, билмаган нарсангизга амал қилишингиз; учинчиси, билмаган нарсангизни ўрганмаслигингиз; тўртинчиси, инсонларни билмаган нарсаларини ўрганишдан тўсишингиздир”<sup>6</sup>, деб айтганлар.

Ҳақимлардан бири айтади: **“Мен икки кишига ачинганимчалик бошқа ҳеч кимга ачинмаганман: илми тушунмасдан туриб ўрганган кишига ва илмининг муҳимлигини тушуниб, уни ўрганмаган кишига”**.

Аллоҳ таоло одам боласини мукаррам қилиб яратди. Шунга муносиб хайрли ишлар қилишда ҳаммамиз ҳамжиҳат бўлайлик. Қалбларимизни, эл-юртимизни асл исломий маърифат билан обод этайлик.

**Миродил ҲАЙДАРОВ,**

*Тошкент Ислом университети магистри*

<sup>1</sup>Бақара, 208. <sup>2</sup>Ол-и Имрон, 103.

<sup>3</sup>Бақара, 205. <sup>4</sup>Моид, 32. <sup>5</sup>Ол-и Имрон, 159. <sup>6</sup>Абдулқодир Жийлоний. “Фатҳур-роббаний файзурроҳманий”.

Маҳмуд АЛИМОВ

## Кўнгил сокинлигин топдим



### Ишонмасман

Агар нафсим айш-ишратга  
тўйдим деса, ишонмасман,  
Тўйиб, энди эгамни тинч  
қўйдим, деса, ишонмасман.  
Чунки у ҳеч тек туrolмас,  
ҳой-ҳавасдан юз буролмас,  
Ҳатто қасам ичиб, энди  
сўндим, деса, ишонмасман.  
“Менман чин дўст” дея ҳар хил  
маккорликлар қилар доим,  
Кўргил мана икки кўзим  
ўйдим деса, ишонмасман.  
Тўнғиз каби очофатдир,  
маккор, кофир, бадниятдир,  
Тамом, энди чин мусулмон  
бўлдим, деса, ишонмасман.  
Дон сепсам еб, тўйдим демас,  
турқи қарға-қузқунсифат,  
Бугун булбул бўлиб гулга  
қўндим, деса, ишонмасман.  
Аждарҳодек бошин узсанг,  
бош ўрнидан чиқар минг бош,  
Минг бир бошдан жудо бўлиб,  
ўлдим, деса, ишонмасман.  
Кунда минг бор нафс юртига  
жиҳод айлашга чоғландим,  
Тўхташ йўқ, чун хонавайрон  
бўлдим, деса, ишонмасман.  
Эй Муғанний, нафсинг бир ит,  
думин ликилатиб харчанд  
Буюр, барча шартларингга  
қўндим, деса, ишонмасман.

### Топдим

Кўнгил сокинлигин Ҳаққа  
итоатлар қилиб топдим,  
Ҳаётим лаззатин тоат-  
ибодатлар қилиб топдим.  
Ибодат этгали дилдан  
риё исёнини қувдим,  
Ибодат лаззатин Куръон  
тиловатлар қилиб топдим.  
Ичи чиркин, таши тилло  
дунё вавосидан буткул,  
Қутулмоқлик йўлин нафсни  
маломатлар қилиб топдим.



Ҳидоятсиз ҳақиқатни  
тан олмоқ ҳеч иложсиздир,  
Ҳидоятни Аллоҳимга  
муножотлар қилиб топдим.  
Бу кенг дунё кўзимга тор  
кўринган кезлари минг бор  
Кўнгил юмшоқлигин хайру  
саховатлар қилиб топдим.  
Суюнгайман дея суйдим,  
суйиб суюнмайин куйдим,  
Ҳақиқий ишқ сириин Ҳаққа  
садоқатлар қилиб топдим.  
Бу дунё молидан кўнгил  
узиб, дунё тожин кийдим,  
Ғанийликнинг сириин сабру  
қаноатлар қилиб топдим.  
Агар рўзгор гами бирла  
эландим халққамас Ҳаққа,  
Ҳалол ризқни ҳалол касбу  
тижоратлар қилиб топдим.  
Работи эски бу дунё  
қолар биздан-да тез кунда,  
Мана исбот, мозорларни  
зиёратлар қилиб қилиб топдим.  
Муғанний, қўй, бу дунёнинг  
ўйин-кулгусидан кеч тез,  
Йўқотган фурсатим қадрин  
фаросатлар қилиб топдим.

### Тўртликлар

\*\*\*

Бу берилган умр бамисли уммон,  
Инсон мисли кема. Елкани — имон,  
Елкансиз кемага шамолдан не наф,  
Имонсиз инсонга на ҳожат Куръон?

\*\*\*

Қалбингни Ҳақ ишқи банд этгач ногоҳ,  
Кўзёшларинг бўлгай дардингга паноҳ.  
Йиғла, ихлос ила йиғлаган кўзга  
Дўзах ўтин ҳаром айлагай Аллоҳ.

\*\*\*

Ояту ҳадисдан келтириб далил,  
Мулла ваъз айтади барчага бир хил.  
Бироқ, кўринг, Аллоҳ бу бир хил ваъздан  
Насиба улашар ҳар кимга ҳар хил.

Тошкент



# СЎНГИ СЎЗ

Бир неча ойдир, Абдуллоҳ ота-онаси, яқинлари, дўст-биродарларидан узоқда, мусофирликда яшамоқда. Институтни битиргач, бир-икки дўстининг маслаҳати билан малака ошириш мақсадида Русиянинг узоқ ўлкаларидан бирига бориб, илм таҳсилини давом эттиряпти.

Албатта, бошида кўникиш унча осон бўлмади; нотаниш жойлар, ёт инсонлар, бегона маданият. Келганининг иккинчи ё учинчи куни бир неча ҳамюртни учратиб қолди. Истараси иссиқ бу йигитлар ҳам Абдуллоҳ ҳужжат топширган институтда ўқишар экан.

Фурбатда юртингни эслатувчи ҳар бир нарса кўзинга азиз кўринади. Абдуллоҳ ҳам бу йигитлар билан тезда иноқлашиб кетди. Аҳмад ва Иброҳим (йигитларнинг исми шундай эди) Абдуллоҳни, бегона жойда қийналмасин, деб ўз хоналарига олишди. Учала йигит ҳар оқшом бир пиёла чой устида ўтириб суҳбатлашишар, бундай маърифий суҳбатлар юрт соғинчидан қийналаётган Абдуллоҳнинг қалбига, оз бўлса-да, таскин берарди.

Кунлар шу зайл ўтиб борарди. Оппоқ қорлари билан қиш ҳам ташриф буюрди; Абдуллоҳ бу дилёрларга келганидан бери биринчи қиш. Бундай совуқ қишни ҳали кўрмаган Абдуллоҳ қалин пўстинга ўраниб, ўқишга кетаётган эди. Оёғи остидаги қорнинг “ғарж-ғурж” қилиши ажиб бир куйдек эшитилар, Абдуллоҳ ҳам

хаёллари оғушида бу “куй”га ғарқ ҳолда кетарди. Шунда ён томондан кимнингдир ўрисчада: “Ўғлим, иложи бўлса, менга озгина ёрдамлашиб юбор”, деган овози эшитилди. Абдуллоҳ бундай қараса, бир кўлида ҳасса, бир кўлида халта билан ўрис кампир турибди. Юкининг оғирлигиданми ёки қарилликданми, аёл бир оз букчайиброқ келаётган эди. Абдуллоҳ дарҳол кампирнинг кўлидан халтасини олди ва икковлари йўлга тушишди.

Озгина юришгач, аёл:

— Ўғлим, айбга буюрмайсан, қаричилик-да, тез чарчаб қоламан. Шу ерда бир оз нафас ростлаб олайлик, — дея қатор турган ўриндиқлардан бирига ишора қилди. Абдуллоҳ қор босган ўриндиқни тозалаб, кампирнинг ўтиришига кўмаклашди. Унинг бундай меҳрибончилигидан мамнун бўлган аёл:

— Шунча юриб келибмиз-у, исмингни ҳам сўрамабман, — деди.

— Исмин Абдуллоҳ, бу ерга ўқишга, малака оширишга келдим.

— Абдуллоҳ... Чиройли исминг бор экан. Меники Елена, Елена хола десанг ҳам бўлади. Ҳов узоқда кўриниб турган кўп қаватли иморатлардан бирида яшайман, — деб аёл ҳам ўзини таништирди.

— Кечирасиз, хола, агар кўнглингизга оғир ботмаса, бир саволим бор эди, — деди Абдуллоҳ. Унинг самимият ила боқиб турган кўзларига қараган аёл:

— Бемалол, ўғлим. Қандай саволинг бўлса, тортинмай сўрай-вер, — деди.

— Нима учун бундай ҳавода бир ўзингиз бозор қилиб келяпсиз? Бирон қаровчингиз йўқми?

Аёл Абдуллоҳнинг саволига жавоб беришдан олдин бир оз ўйланиб турди, сўнг гап бошлади:

— Бир ўғлим ва келиним бор, лекин улар мени она ўрнида кўришмайди. Уйдаги барча юмушлар — идиш-товоқ ювишдан тортиб, супур-сидиргача менинг зиммамда. Ҳатто, мана, ўзинг кўриб турганингдек, бозоргайм бораман. Агар бу ишларни қилмасам, келиним уйдан ҳайдаб чиқаришини айтган. Баъзан кетиб қолай дейман-у, лекин набирам Олегга кўзим қиймайди. Устига-устак, борар жойим ҳам йўқ. Бу аҳволда биров мени қабул қилармиди...

Елена хола шуларни айтгач, ўртага жимлик чўкди. Абдуллоҳ бу аёлга нима деб тасалли беришни билмасди. Сукунатни Елена холанинг ўзи бузди.

— Майли, буларни қўявер. Ундан кўра юртинг, у ернинг одамлари ҳақида гапириб бер, жуда билгим келяпти.

Абдуллоҳ ўрисчада амаллаб бўлса-да, ота юрти, урф-одатлари ҳақида сўзлай бошлади. Шунда Елена хола:

— Сизларда қарияларга қандай муомала кўрсатилади? — деб сўради.

— Динимиз ота-онамизга улар хоҳ яхши, хоҳ ёмон бўлсин, яхшилик қилишни, кексалик ёшига етганларида, уларни парваришлаб, гап қайтармасликни, доимо яхши сўз айтишни, меҳрибонлик кўрсатишни, уларнинг ҳақларига “Аллоҳим, гўдаклигимда мени раҳм-шафқат билан ўстирганларидек, Сен ҳам уларга марҳамат эт”, дея дуо қилишни буюради. Аллоҳ розилигини топиш учун, аввало, ота-онани рози қилиш лозим. Пайгамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам “Жаннат оналар оёғи остидадир”, дея марҳамат этганлар...

Абдуллоҳнинг гапларини жон кулоғи билан тинглаётган Елена хола намли кўзларини унга тикиб, оҳиста пичирлади:

— Жаннат?!

— Ҳа! Ҳар бир туннинг орқа-



сидан кундуз, ҳар қишдан кейин баҳор келганидек, дунё ҳаёти туғанидан сўнг охираат ҳаёти бошланади. Онамиз қорнини тарк этиб, дунёга келдик. Вақти-соати-миз этиб, дунёни тарк этганимиздан кейин охираат диёрига кетамиз. У ерда абадий яшаймиз. Дунёда Аллоҳ буюрганидек ҳаёт кечирганлар охираатда жаннатга кирадилар. У ерга кирганларнинг ҳеч қандай дарди бўлмайди, на беморлик, на кексалик машаққатлари... На келинлар ва дунёга келтирган фарзандлар томонидан севилмаслик алами...

Елена хола ҳаяжон билан сўради:

— Буларни ким айтган?

— Бу хушxabарни ҳазрати Муҳаммад (соллаллоху алайҳи ва саллам), ҳазрати Исо, ҳазрати Мусо, ҳазрати Иброҳим (алайҳимуссалом) каби Аллоҳнинг ҳамма пайгамбарлари, уларга имон келтирган авлиёю олимлар, ҳазрати Исонинг (алайҳиссалом) ҳаворийлари ва улар атрофидаги азизлар айтган, — деди Абдуллоҳ.

Елена холанинг ҳаяжони янада ортди.

— Жаннатга кириш учун нима қилиш керак? — деб сўради у.

— Бизни яратган ва бизларга жон ато этган Аллоҳнинг ягона-лигини тан олиш, Унинг расули Муҳаммаднинг (алайҳиссалом) сўнги пайгамбар эканларига имон келтириш ва у зот кўрсатганларидек ҳаёт тарзи билан яшаш лозим.

Елена хола яна савол берди:

— Қандай қилиб мусулмон бўлиш мумкин?

Абдуллоҳ бир он холанинг юзига тикилиб қолди. Аёлнинг порлаб турган кўзлари унинг истаги самимий эканини кўрсатиб турарди.

— Мен шаҳодат калимасини айтаман, сиз эса менинг орқамдан қайтаринг, — дея Абдуллоҳ шаҳодат калимасини дона-доналаб айта бошлади. Елена хола ҳам қайтарар, тили келишмай қийналар эди. Бироқ бир неча бор такрорлагач, равон тилда:

— «Лаа илаҳа... иллаллоҳ... Муҳаммадур расулуллоҳ...» — деди ва ҳаяжонланиб, сўради. — Мусулмон бўлиш шунча осонми? Энди мен ҳам мусулмонманми? Абдуллоҳ «Ҳа!» деса ҳам,

Елена хола ишонч ҳосил қилмай, саволини қайтараверарди. Ва ниҳоят:

— Ўғлим, сенга қандай миннатдорлик билдиришни билмаяпман. Сен узоқ йиллар олдин кўрган бир тушнинг рўёбга чиқишига сабабчи бўлдинг. Ўн йил аввал ҳозирги ҳолимни ва мусулмон бўлишимни тушимда кўрган эдим. Сендан умрбод қарздорман, ўғлим! Омон бўл, омон бўл. Умрингдан барака топ!

Аёл шундай дея ўрнидан турди. Абдуллоҳ ҳам унга ёрдам бериш учун халтага қўл узатди. Лекин хола эътироз билдириб:

— Сен ўқишингга кеч қолма, ўғлим. Бу ёғига ўзим этиб оламан. Ўзимни онадан янги туғилгандек ҳис қиляпман, гўё қуш каби учишга тайёрман, — деди. Сўнг халтасини қўлига олиб, қўшимча қилди: — Мени унутма, ўғлим. Вақтинг бўлганида мени кўришга келиб тур.

Елена хола Абдуллоҳга манзилни тушунтиргач, у билан хайрлашиб, кета бошлади. Уч-тўрт қадам юриб, орқасига ўгирилди ва “Мени унутмагин-а, ўғлим?! Сени кутаман”, дея яна бир бор таъкидлаб қўйди.

Шу кунни Абдуллоҳ ўзида йўқ хурсанд эди. Эрталаб юрагини сиқаётган юрт ҳажри ҳам тумандек тарқалиб кетди. Ким билади, дунёнинг яна нечта бурчагида, қанчалаб Еленалар тушларини рўёбга чиқарадиган, уларга ҳақиқий дин — Исломни тушунтирадиган Абдуллоҳларни кутаётгандирлар?! Ана шундай шарафли вазифани адо этганидан Абдуллоҳ Аллоҳга ҳамд айтарди.

Ўқишдан қайтиб келганида ундаги бу кўтаринки кайфияти хонадошлари Аҳмад билан Иброҳимлар ҳам сезишди. Абдуллоҳ уларга бугун бўлиб ўтган воқеани гапириб берди. Ҳикояни эшитаётган йигитларнинг кўзларидан дув-дув ёш оқар, “Субҳаналлоҳ, Аллоҳим, Ўзинг буюксан!” дейишар эди. Овқатланиш учун ёзилган дастурхон ҳам шундоқлигича қолиб кетди. Елена холанинг ҳидоятга кириши сабаб Аллоҳ уларга шундай бир зиёфат берган эдики, бу зиёфат баракотидан хона ҳам файзга тўлиб кетгандек бўлди. Сўзининг охи-

рида Абдуллоҳ Елена холанинг илтимосини эслатди. Йигитлар ҳафта охирида Абдуллоҳ билан бирга холани зиёрат қилишга боришни келишиб олишди.

Дам олиш кунни йигитлар Елена хола тушунтирган манзил томон йўл олишди. Эшик кўнғирогини чалишдан олдин Абдуллоҳ бир оз тарадудланиб қолди. Сўнг бутун жасоратини йиғиб, тугмани босди. Эшикни ўн-ўн икки ёшлар чамаси малласоч бир бола очди. Бу бола Елена хола айтган Олег бўлса керак дея тахмин қилган Абдуллоҳ ундан сўради:

— Кечирасан, Елена хола уйдадилар?

Боланинг нигоҳи ерга қадалди. Ҳиқиллаб “Бувим... кеча...” деди-ю, хўнграб йиғлаб юборди. Маълум бўлишча, икки кун олдин, яъни, Абдуллоҳ билан учрашган кунни бозордан қайтаётган Елена холани машина уриб юборибди. Оғир аҳволда касалхонага олиб келинган хола кеча оқшом жон берибди. Абдуллоҳнинг кўзи олдида Елена холанинг қувончли юзи, “Мусулмон бўлиш шунчалик осонми? Энди мен ҳам мусулмонманми?” дея қайта-қайта сўраганлари жонланди.

Йигитлар қайтмоқчи бўлганларида Олег уларнинг ким эканликларини сўради. Абдуллоҳ ўзини ва дўстларини таништирди. Шунда бирдан Олегнинг юзи ёришиб кетди.

— Демак, Абдуллоҳ сиз экансиз-да?! Бувим то жонлари узилгунча сизнинг исмингизни ва қандайдир тушунарсиз, авваллари ҳеч эшитмаган бир сўзни тўхтовсиз айтдилар. Ҳар гал шу сўзни айтганларида юзларида табассум пайдо бўлар, нафас олишлари енгиллашар эди. Ҳатто охири айтган сўзлари ҳам шу бўлди. Ҳозир, бир дақиқа... — Олег шундай деб, ичкарига кириб кетди ва қўлида бир парча қоғоз билан чиқди. — Мана, ўша сўзларни ёзиб олган эдим...

Олег қоғозни Абдуллоҳга узатди. Қоғозга назар ташлаган йигитлар ҳайратда қолишди. Қоғозда кирилл алифбосида “Ла илаҳа иллаллоҳ... Муҳаммадур... росулуллоҳ...” сўзлари ёзилган эди.


**Ботир МАДАМИН ўғли**

# ПАЙҒАМБАРИМГА МАКТУБ

Оламларга раҳмат бўлиб келган Пайғамбарим! Жаноби Раббимнинг дўсти, элчиси, се-виклилар севиклиси, инсоният ичидан энг хайрлиси қилиб танланган Пайғамбарим! Мавжудот ва махлуқотнинг энг гўзали Пайғамбарим! Сиз келдингизу ҳақ келди, ботил ажради. Инсоният ҳақиқатни англади. Энди инсонлар бут-санамларга сифинмайди. Энди қуллар азобланмайди. Заифа аёллар хўрланмайди, эъозланади. Энди жажжигина гўдак қизалоқлар тириклайин кўмилмайди. Балки “қиз фарзандларни тарбия қилганлар жаннатийдир” деган хушхабарингизга кўра, қиз кўрган оталар қувонади, ғазабланмайди Раббига ҳамдлар айтади. Энди мўмин нафақат инсонга, балки ҳашаротга ҳам зиён етказмайди. Қўли ва тили билан бошқа биродарига зарар бермайдиганлар ҳақиқий мусулмонлар деб эълон қилинди. Оналарнинг оёқостилари жаннатга элтувчи йўлнинг эшиги қилинди. Мусулмонда инсонларга, динга, ватанга севги ўзгача бўлди.

Раббим Сиздек суюкли зотни бизларга юборди ва Сизга итоат қилишимизни, Сизни севишимизни буюрди. Раббим ҳам Сизни севди. Жаннатнинг тўрини Сизники қилди. Меърож билан сийлади. Сизга фаришталар, бутун борлиқ салавот ва саломлар айтади. Меҳрибонимизнинг Сизга севгиси, сийловлари биз учун эди. Бизнинг Пайғамбаримиз, раҳбаримиз, шафоатчимиз, жонкуяримиз бўлдингиз,

Мен бир ўсмир умматингиз бугун сизнинг олтмиш уч йиллик ҳаётингизга разм солишга ҳаракат қилдим. Инсоният ва уммат дарди билан ўтган олтмиш уч йил! Инсонни дунёвий фароғат ва ухровий саодатга



эриштириш, жаҳолат ботқоғидан қутқариб, имон нурларига чўмилтириш дардига бағишланган олтмиш уч йил!

Эй Пайғамбарим! Сиз жар ёқасига келиб қолган башариятни имон арқони-ла омон сақлаб қолишга шунча йилларингизни бердингиз. Ўзингизни эмас, бизларни ўйладингиз. Бизлар учун Парвардигорингизга ёлвордингиз, йиғладингиз. Умнат ишқи, уммат дарди билан оққан ёшларингиз кўзларингиздан шашқатор бўлди.

Бу йўлда ҳар қандай хўрликларга, қийинчиликларга сабр қилдингиз. Муборак бошингизга ахлатлар сочишди. Туғилган юртингизда Сизга ва издошларингизга яшаш ҳаққини беришмади. Уқубатлар ичра ҳижрат қилдингиз. Имонни қарор топтириш учун саноксиз мужодалалар қилдингиз. Уҳуд жангида тишларингиз синди. Баъзан уйингизда ойлаб қора қозон қайнамади. Очликни ҳис қилмаслик учун қорнингизга тошлар боғлаб юрдингиз, азиз Пайғамбарим! Ҳаёт дафтари-нингиздан ибрат тўла сатрларни кўзёшларим-ла ўқир эканман, Сизнинг вафот этаётган чоғингизда айтган сўзларингиз юрагимни ларзага келтирди. Сакарот (яъни, жон чиқар) вақтида — инсон ўзи билан ўзи овора бўлиб қоладиган энг огир дақиқаларда Сиз “Умматим, умматимнинг ҳоли нима кечачи?” дедингиз. Ҳаётингиз давомида бўлгани каби, охириги дамларингизда ҳам умматга қайгурдингиз.

Севики Пайғамбарим, саҳобаларингизга келгуси биз умматларингизни мақтадингиз, “шарафли уммат” дедингиз. Ҳазрати Исонинг (алай-ҳиссалом) “Ё Раб, мени бу қавмга пайғамбар қилгандан кўра, Муҳаммадга уммат қилсайдинг”, деган нолаларини

ривоят қилиб, бизларга илтифот айладингиз. Бизни жуда севдингиз...

Сиз таърифлаган уммат сизнинг йўлингизни тутган, инсоният дарди билан ёниб туташган умматдир. Сизнинг севгингизга лойиқ инсон ўз нафси ўрнига бошқа биродарининг манфаатини устун қўйган инсондир. Юраги дунё майли, дунё севгиси билан ёнган эмас, балки одамларга фақатгина эзгулик улашиш йўлида ўзини фидо қила олган инсондир. Сизнинг умматингиз қўшнисини оч бўлатуриб, қорни тўқлигидан лоҳас бўладиганлар эмас, балки бир дона хурмони ҳам у қўшни билан бирга ейдиганлардир. Улар меҳр, мурувват, ҳиммат соҳибларидир. Сизнинг умматингизга обрў-амал, шон-шухрат, масала-масоиллар таллашиш ярашмайди. Манманлик, такаббурлик, бахиллик каби иллатлар ҳақиқий умматга ёт тушунчалардир.

Кечалари ёрилган оёқларингизнинг, синган тишларингиздан оққан қон томчиларининг, очликдан қорнингизга боғланган икки дона тошнинг, қилич зарбидан қонаган муборак пешонангизнинг, бизни дея оққан кўзёшларингизнинг ҳаққини адо эта олармиканмиз?!

Аллоҳ бизни ҳидоят йўлида тутсин. Бизни залолатга қайтган ва адашганлардан қилмасин. Раббимнинг, Сизнинг ҳузурингизга ёруғ юз билан борсак! Остидан ирмоқлар оқадиган жаннатларда Сиз билан бирга бўлсак!

Суюкли Пайғамбарим! Улкан мақом эгаси Пайғамбарим! Сиз умматингизни қаттиқ севганингиздек, биз умматингиз ҳам Сизни севамиз. Бу севгиларимизни гўзал суннатларингизга амал қилиш ила Сизга изҳор этамиз, азиз Пайғамбарим, соллаллоҳу алайҳи ва саллам!

**Сарвархон ЖАҲОНГИР**



## МУҲАММАД СИДДИҚ МИНШАВИЙ

Миср юрти дунёга Курьони каримнинг кўплаб машхур ҳофизлари ва билимдонларини етиштириб берган. Улар орасида машхур қори Муҳаммад Сиддиқ Миншавийнинг алоҳида номи ва эътибори бор.

Муҳаммад Сиддиқ Миншавий 1920 йили Мисрнинг Миншоҳ шаҳрида дунёга келди. Аллоҳ таоло бу саодатманд болага ғайриоддий бир истеъдод, қувваи ҳофиза, ҳавас қилгулик зеҳну идрок ато этган эди. Буни сезган отаси унга тили чиқиши биланоқ илоҳий ваҳий каломларини ўргата бошлади. У Курьони каримни жуда эрта хатм қилди. Тўққиз ёшидан бошлаб ҳар йили минглаб намозхонлар ҳузурда Курьони мажидни хатм қилар, бошқа пайтларида тенгдошларига қироат ва тажвиддан сабоқ берар эди.

Муҳаммад Сиддиқ ўсмирлигидаёқ Курьон илмларининг билимдони сифатида ном чиқарди. Унинг вужудларни титратиб юборадиган майин ва ёқимли овози бор эди. Талаффузи хатосиз, нуқсонсиз эди. Оятларни ўқиш ва тингловчига етказишда ўз услуби шаклланди. Аллоҳнинг Курьондаги амр-фармонлари ва ваъдалари, қиёмат, дўзах, бандаларга бериладиган азоб зикр этилган ўринларни қироат қилаётгани-

да унинг овози ҳар қачонгидан баланд бўлар, гулдурос, жаранг кучаяр эди. Аксинча, Аллоҳ таоло ваъда қилган мукофотлар, жаннат, имон эгаларининг охират дунёсидаги мақом-мартабалари васфи келганида овози майинлашар, қалбларга таскин ва ором берувчи оҳанглар сизиб кирар эди. У бир неча танловларда иштирок этиб, пешқадамлардан бўлди.

Атоқли қори тез орада нафақат Мисрда, балки бутун дунёда бетакрор овоз соҳиби, қироатда янги йўналиш, янги услубни бошлаб берган ҳофиз сифатида машхур бўлди. У Сурия, Қувайт, Форс кўрфази мамлакатларида бўлиб, минглаб мусулмонларга Курьонни тиловат қилиш тажрибаларини намоиш этди. Унинг янги услуби туфайли қориларнинг қироат ва талаффуз имкониятлари сезиларли даражада кенгайди.

Муҳаммад Сиддиқ Миншавий 1969 йили қирқ ёшида саратон хасталигидан вафот этди. Аммо унинг Курьон тиловатидаги услуби, у тарқатган курьоний илмлар жаҳон қориларининг бебаҳо мулкига айланди. Юзлаб шогирдлари устознинг маҳорат ва билимларини авлодларга етказишмоқда.

**Закариё АҲМАД**



Ҳасан МАНЗУР

# КАРКИДОНЛИК



## ОЙСА КАМПИР

Ҳикоя

Каркидонлик Ойса кампир узоқ умр кўрди. Умрининг сўнгги йиллари қизи тенги кампирларни сирдош тутди. Олти ўғил, тўрт қиз кўрган кампирнинг уч ўғли урушдан қайтмади. Кампир неварачевараларининг саногига етолмас, сўраганларга, кўп, жуда кўп, барини эслаёлмайман, деб қўл силкир эди.

Кампир оқшувок, пол-фанер қоқилган, қишлоқда “маданий уй” номини олган ҳужрада яшар, эртаю кеч ҳовлисида гивирсир: дам олисдаги набираларига мева терса, дам эчкиларига ўт юлар, бир бошида бутун рўзгорнинг ташвишини кўтариб юрар эди.

Овунчоги эчкию улоқчалар бўлиб, уларни худди боласидай эъозлар, қўрасини уйи каби озода сақлар, эчкиларни кун-

да бир тараб, юнгини халтага солишни канда қилмасди.

Эчкилар йилда икки бор, бунинг устига эгиз бола туғар, кузга бориб айвонча эчки-серкаларга тўлар эди. Шунда Ойса кампир маҳалла подачиси Чўтай чўпонни чақиртириб, серкалардан бирини бўғизлатар, гўштини нимталатиб, уй шифтига тортилган дорёғочларга остирар эди.

Бир сафар Чўтай чўпон ҳозиргина сўйган серкасининг гўштини нимталар экан, ёғ ичидан чиққан безни андак эти билан тепага отди, гўшт парчаси бўялган шифтда чиройли юздаги холдай қотиб қолди.

— Барибир подачилигинга борасан-да, Чўтай, — деди кампир этни олишга уриниб. — Эҳ, Чўтай, нима қилдинг-а?

Чўтай чўпон оппоқ соқолини селкилатиб кулди.

— Кўявер, ҳар кўзинг тушганида мени эслаб юрасан, ахир бир жинни ўғлимдан бўлак ҳеч кимим бўлмаса...

Шифтдаги этни олишга шайланган кампирнинг супургиси қўлидан тушди.

— Ҳай, майли, эсласам, сени эслаб юрай...

Чўтай чўпон Ойса кампирдан ёш бўлса-да, анча аввал ўтиб кетди. Шифтдаги қотган эт парчаси ундан хотира бўлиб қолди. Ойса кампир ҳар гал уйни тозаларкан, уни тушириб юбормасликка интилар, Чўтай раҳматлининг иши-да, деб қаққига дуо қилар эди.

— Эна, олиб ташланг, — деб ялинарди гоҳо Ҳалим, — жуда хунук турибди.

— Кўй, — деб бош тебратарди кампир, — Чўтайнинг арвоҳи чирқиллайди. Эслаб тургин дерди бояқиш. Эчкиларимни боқиб турарди. Чўтайдан кейин подачи ҳам қолмади.

Қиш кунлари сандални бағрига тортган кампир набирасига калима келтиришни, Фотиҳа ўқишни ўргатарди.

— Кўйинг, эна, — деб тархашлик қиларди Ҳалим, — тилим айланмаяпти.

— Ўлсам мени эслаб, руҳимга тиловат қилиб турасан, болам. Тегса, менга шунинг савоби тегади, — дея уқтирарди кампир.

— Сиз ўлмайсиз.

— Ўлмаё оламга устун бўлармидим, кафанлигимни тахт қилганимга қанча бўлди-ю!

Кампир уйку олдидан калима келтираркан, Аллоҳдан ёруғ ёзларга етказишини илтижо қилиб сўрар, бу одатини асло канда қилмас эди.

— Эна, нега ундай дейверасиз?

— Қишда ўлган ёмон, сен нимани билардинг, болам...

Кейин кампир узоқ йиллар бурун ўтган воқеани эсларди:

— Эркаклар урушда, қишлоқда болалару чоллар, хотин-

лар қолган. Қиш. Совуқ. Туфлаган тупугунг муз қотадиган палла. Турди кампир деганлари шундай вақтда ўтган. Бобонг бир-икки чол билан қабр қазиган. Учинчи куни марҳумни жойига қўйиб, аччиқланиб кириб келган. Менинг ҳам гўримни сўкиниб қазигмасин, дейман-да, болам.

Бир йили қишда кампир оғир ётиб қолди. Кичкина хужра ўғил-қиз, нева-чеварага тўлди. Бир ҳафта туз тотмади. Оқ дока рўмоли ярашган кампир нуруний қиёфага кирган эди. Қизлар кунда икки-уч бор пахтага сув шимдириб, оғзига томизишар, тамшанганини кўриб, енгил тортишар эди.

Бир ҳафта ўтиб, Ойса кампир тиниқиб ухлаган кишидай тетиклашиб ўрнидан турди, лекин юролмади. Ёнига кириб, тўшакка ўтқазиди. Кампир ўғил-қизларига бир-бир қараб чиқди. Сўнг худди қидирган кишисини топмагандай, шифтга юз бурди.

— Инобатни излаптилар, шекилли, яхши кўрардилар, — деди ўртанча қиз Марямби ва онасининг бошига борди: — Она, кимни қидиряпсиз?

— Мен у дунёга бориб қайтдим, — Кампирнинг овози аввалгидан мулойим эди. — Ўтганларнинг ҳаммасини кўрдим. Отангни, бувангни... Орол тоғам, Ҳалим тоғам, барчаси бир тўп бўлиб юрибди.

Беморнинг ёнидагилар кўз уриштириб олишди.

— Маъмурали, Рустамали, Мирсаидни тополмадим.

Кампир урушда ўлган ўғилларини эслади ва ўртанчасига юзланди.

— Акаларинг ўлмаган, Улканбой, бирон-бир юртда келолмай юришган. Ўлганларнинг барини кўрдим. Ўлган бўлса уларни ҳам кўрардим. Чўтай чўпон ҳам жинни ўғлини етаклаб кўришгани келди.

Ойса кампир болалари қирқ

йил бурун эмас, худди бир ҳафта бурун чиқиб кетиб, қайтишмагандай, юм-юм йиғлади. Ўтирганлар ҳам кўзларига ёш олишди. Улканбой, урушдан омон қайтган ўртанча ўғил, чуқур сўлиш олгач, акаси Мадийерга юзланди:

— Қорахатларни бекорга кўрсатмагансиз. Онам ҳалиям умид узолмайдилар.

Мадийернинг ўсиқ кўкимтир қоши чимирилди.

— Қорахатларни қирқ тўртинчи йилнинг ёзида олганман. Сиз урушдасиз. Онамни куйдиргим келмаган. Уч ўғилнинг дардини кўтаролмайди деб кўрққанман...

Ойса кампир ўша касалидан сўнг анча оғир, ювош тортиб қолди. Энди бурунгидек Ҳалимни етаклаб у қизиникидан бу қизиникига, ўғилникидан набираникига чопмас, хужрасидан чиқмас эди. Баъзан у эски одати бўйича уй кўтараркан, ерга тоғора тўнкариб, деворига бўй чўзар, оқшувокда қотган бармоқ изларини кафти билан сийпалар, сўнг бармоқлари учини меҳр билан ўпар эди.

— Нима қиляпсиз, эна?

— Маъмиралли, Рустамали, Мирсаидни эслаяпман. Сўқсурдай йигит бўлишувди. Айниқса, Мирсаид аломат эди. Олифта. Чақмоқдай кийинарди. Дўкон очарди. Уруш бошланган йили “маданий уй” қиламан деб шу хужрани қурган, пол-фанер қоқиб, оқшувок қилган. Бир нимани билганми, токчаларига хумлар тўла бугдой кўмдириб юборган экан. Ўша галла билан урушдан омон чиққанмиз.

Кампирнинг табассум жилава қилган юзлари яна ҳам мулойимлашди.

— Мирсаид ованг\* акаларидан олдин ошиқ бўлган. Бойбувангни хотини Назокатни қизлигида яхши кўрган.

— Анови шум кампирни-я?!

— Вой-бўй! Сен у кампирни ёшлигида кўрмабсан. Олов эди-я. Бутун қишлоқ йигити яхши кўрган. Мирсаид на менга, на отасига айтишга ботинган. Қизи тушмагурнинг ўзи келиб айтмаса, билмаймиз. Ҳали ёш дебман, акалари турибди дебман... Уйлаганимда, ўзига ўхшаган болаларни кўтариб юрармидим... Кўнглим жила таскин топарди.

— Бекорга у кампирнинг олдига югуравермайсиз.

— Чиройли қизи бор, сенга олиб бераман. Аммангни яхши кўриб, исмини Марямби қўйган.

Ойса кампир қизларидан Энабини меҳр билан суярди. Ўн икки фарзанд кўрган бу аёл қариганида ҳам ўзини бермаган. Энаби гоҳо катта рўзғорига унутган каби, бошида икита янги ёпилган нон билан онасиникига кириб келар, оқшом худди гўдак боладай онасининг пинжиги тикилиб ухлар эди.

Сўнги фарзандидан сўнг унга дард илашди. У баъзан келиши биланоқ нафас ҳам ростламай каттакон ҳовлини қиртишлаб супуришга тушар, эрталаб нон ёпган келинни патир учун хамир қоришга мажбур қилар эди.

— Нега бундай қиляпсан, қизим? — деб сўради Ойса кампир қизидан.

— Сиз билмадингизми, эна. Менга хабар беришди, урушга кетган акаларим келишаётганмиш. Шунга уйни тозалаб қўяй, деяпман-да! Бу келин ўлгурлар менсиз ўзларидан кетиб қолишди, бундай қарашай дейишмайди.

Ойса кампир қизидан яширинча ёзиглиқ дастурхондан икита қанд олиб Ҳалимга тутқазар, далага бориб, отасини олдига солиб келишни буюрар эди. “Ўзига секин, аммам кел-

\*амакинг (шева)

ди, деб айтгин”, дерди.

Ҳалим тушликка чиққан отасининг олдига боришга ботинмай шийпонга яқин бориб тўхтар, унинг қорасини кўрган отаси мақтал қилмай, қарши-сига чиқар эди.

— Тинчликми, ўғлим?

— Аммам келди, ҳовли то-залаяпти.

Отаси уни эшакка минди-риб, уйга қайтаркан, йўл-йўла-кай воқеани суриштириб, йўлни қишлоқ гузарига қараб соларди. Новвойдан нон, қас-собдан гўшт олиб, хуржунни қовун-тарвуз билан тўлдирарди.

Ота-бола ёғ тушса ялагудай тоза-озода ҳовлига эшак миниб кириб келишга ботинишмасди. Улканбой ичкарига кириб синг-лиси қошида тўхтар, ҳол-аҳвол сўрар эди.

— Меҳмон чақирдингми, синглим?

— Акаларим келишяпти, куёвингиз ҳам...

— Худди билгандай бозор қилиб келибман, чолларни ҳам чақирайлик бўлмаса.

— Шунга келин ўлгурлар-нинг ақли етмайди-да, ака, шундай қилинг.

— Мана қанд-курс, хуржун-да қовун-тарвуз бор. Ўзинг ях-шилаб дастурхон тузагин. Ош-дан олдин шўрва берганимиз маъкул.

Кўп ўтмай қозонга шўрва осилар, ўғлининг қўлидан эшакни олган Улканбой Араб-бой домланикига йўл олар, уйда қолган сингил елиб-югу-риб хизмат қилар, иши кўнгил-дагидек битмагунича онасию келинларига тин бермас эди.

Кечроқ аввал Араббой дом-ла, сўнг маҳалланинг оқсоқол-лари кириб келишарди. Аввал шўрва, ортидан ош тортилар, сўнг оқсоқоллар ўтирган уйдан Араббой домланинг майин, ёқимли овозда Қуръон тиловат

қилгани эшитилар, ўчоқ бо-шида ўтирган амманинг кўзла-ри жиққа ёшга тўлар, ёнида ўтирган Ҳалимни бағрига бо-сиб “жияним-жияним” деб суяр, у бўлса кўзларини юм-ганча юзини аммасининг кўксига босар, димоғига қалампирмунчоқнинг ёқимли ҳиди урилар эди...

\*\*\*

Ҳалим ҳарбийга жўнайди-ган куни момоси уни ёнидан жилдирмади.

— Олдимда ўтир, мен ҳам ғаниматман, — деди. — Икки йил ичида ким бору ким йўқ, болам.

Сўнг келини саҳар туриб ёпган катта патир нонни унга тишлатди. “Омонлик бўлса, қайтиб келганингда иккимиз сувга ботириб еймиз”, деб уқтирди.

Ҳалим ҳар хатида момоси-ни эслар, суриштирар эди. Ол-ган жавоб хатларининг барида эгиз кўзилардай ўхшаш жумла бўларди: “юрибдилар ивирсиб”.

Ҳарбийдан қайтганида мо-моси кўзга ташланмади.

— Уйларидан чиқмайди-лар, — деди отаси. — Одам та-нимайдиган бўлиб қолдилар. Биз ҳаммамиз онам учун Маъ-миралли, Рустамали, Мирсаид-га айланганмиз. Ҳаммамизни ўлган ўғилларнинг номи билан атайдилар.

Момосининг уйи бурунги-дай озода, шинам... Уй тўрида ёнбошлаб ётган кампир даст-лаб унга бепарво назар ташла-ди, кейин бирдан жонланган каби:

— Маъмиралли, Мирсаид... — деди.

— Эна, мен набирангизман.

— Алдаяпсан, Мирсаидга ўхшаяпсан, қош-кўзларинг ай-тиб турибди

Момоси уни бағрига босди, юз-кўзларидан ўпди, юм-юм йиғлади.

— Момонг мени ҳам тани-майди. — Улканбой ўғлининг елкасига кафтини қўйди. — Баъ-зан аччиғим келиб, бу мен, ўғлингиз, Улканбойман десам, ўғлиммисан, кап-катта одам-а, деб куладими-ей...

\*\*\*

Ўша йили олти ойлар Тош-кентда қолиб кетган Ҳалим ёз-нинг охирларида қишлоққа қайтди. Момосининг маърака-сини қилишаётган экан.

— Нега чақирмадинглар? — деб сўради.

— Момонгнинг тўйи, — дейишди унга. — Ўқиш, ишин-дан қолдиргимиз келмади.

Амакилару аммаларнинг ку-либ юришлари унга эриш ту-юлди. Момосининг уйига ки-риб, ёзиғлик кўрпача устига ўзини ташлади-да, ўксиб-ўксиб йиғлай бошлади.

— Момонгнинг тўйи, ўғлим, сиқилма, — деб таскин берди отаси. — Момонг эвара кўриб, ёзда, ўрик пишиғида оламдан ўтди. Даладан илиниб ўрик олиб келдим, еди, кейин қиблага ўгирилиб алланимлар деб гудранди, нима деганини байиғлолмадим\*\*. Деворга ишора қилдими-ей...

Ҳалим неча йиллар бурун оқшувоч деворларда қолган бармоқ изларига қаради.

— Урушда қолган амакила-римни эслаган бўлсалар керак, оваларингнинг бармоқ излари, дер эдилар...

Улканбой ўрнидан турди, токча олдига бориб, деворга буй чўзди. Худди онаси каби де-вордаги бармоқ изларини си-лади, сўнг бармоқдари учини ўпди. Бир мунча вақт ёлғиз қол-дилар. Ота ўғлининг ёнига чўкиб, чуқур-чуқур хўрсинди...



\*\* англаёлмадим (шева)



# НОДИР ФИҚҲИЙ МАНБА

Мовароуннаҳрда ҳанафий мазҳаби таълимоти бўйича кўп муҳим асарлар устоз-шогирдлик анъанасига кўра битилган. Яъни, кейинги давр фақиҳлари ўзларидан илгари яшаб ўтган уламоларнинг асарларини яқиндан ўрганишган, аввалги асар маълум маънода кейинги асарнинг дунёга келишига туртки берган. Шулардан бири Абулхусайн ал-Кудурийнинг “Ал-Мухтасар” асаридир.

Бу зотнинг тўлиқ исми Абулхусайн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Жаъфар ал-Кудурий ал-Бағдодий бўлиб, у ҳижрий 362 (972 милодий) йили Бағдод шаҳрида туғилган. Абулхусайн ёшлигидан фикҳ илмига қизиқди ва уни чуқур ўрганди. Айниқса, Имоми Аъзам Нўъмон ибн Собит (раҳматуллоҳи алайҳ) асос солган ҳанафий мазҳабининг манбалари билан жиддий танишди. Натижада “Ал-Мухтасар” асарини ёзди. Ўз навбатида, бу асар Алоуддин ас-Самарқандийнинг “Тухфат ал-фуқаҳо”, Бурҳониддин Марғинонийнинг “Бидоят ал-мубтадий” ва “Ал-Ҳидоя” асарларига асос бўлган<sup>1</sup>. Жумладан, Бурҳониддин Марғиноний “Бидоят ал-мубтадий” асарининг муқаддимасида “Ал-Мухтасар” ҳақида бундай ёзди: “Ёшлик чоғларимда фикҳ илмининг барча турларини қамраб олган ҳажми кичик, режаси кенг бир китоб ҳақида ўйлаб юрар эдим. Иттифоқо, сафар вақтида Кудурий қаламига мансуб “Ал-Мухтасар” билан танишдим ва уни энг гўзал, қисқа, ажойиб асар деб топдим”<sup>2</sup>.

Абулхусайн ал-Кудурий Ироқ ҳанафий олимларининг етук вакилларида эди. У фикҳ илмини асосан Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ямин Журжонийдан ўрганган ва ўзи ҳам кўплаб шогирдлар етиштирган. Улар жумласига Хатиб Бағдодий, Абу Наср ал-Ақтаъ кабиларни киритиш мумкин. Кудурий ҳанафий уламолари ичида “Асҳоб ат-таржих”, яъни, “Устун қўйиш тарафдорлари”дан ҳисобланган. Бу усул мазҳаб раҳбарлари айтган сўзлар ёки улардан егиб келган турли ривоятлардан айримларининг устунлигини баён қилиш, изоҳлаб бериш асосида шаклланган.

Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий машҳур асари “Ал-Фавоид ал-баҳия”да ҳанафий мазҳаби олимларини олти гуруҳга бўлиб, Бурҳониддин Марғиноний билан Кудурийни “асҳобут-таржих”, яъни, баъзи ривоятларни баъзиларидан устун қўйиш салоҳиятига эга олимлар қаторида зикр этган<sup>3</sup>.

“Мухтасар”га ўттизга яқин олим шарҳ ва хошиялар ёзган. Уларнинг энг машҳурлари сифатида Хоҳарзода ал-Бухорийнинг (вафоти 483/1090) “Шарҳ ғала Мухтасар ал-Кудурий, Муҳаммад Иб-бижобийнинг “Зод ал-фуқаҳо”, Али Аҳмад ал-Розийнинг (вафоти 598/1201) “Хулосат ал-далоийл фи танқиҳ ал-масайил”, Имом Нажмиддин

Мухтор ибн Маҳмуд аз-Зоҳидий ал-Ҳанафийнинг (вафоти 658/1259) уч жилдлик шарҳи, Имом Абу Бакр ибн Али ал-Ҳаддодий ал-Ибодийнинг (вафоти 800/1397) уч жилдлик “Сирожул-ваҳҳож” номли шарҳи, Ибн Қутлубуганинг “Тасҳиҳ ал-Кудурий” каби асарларини келтириш мумкин<sup>4</sup>.

“Ал-Мухтасар” таҳорат китоби билан бошланади. Иккинчи китоб намозга бағишланган, азон, намоз шартлари, мусофирларнинг намози, жума, ҳайит намозлари каби ўн тўққиз бобдан ташкил топган. Навбатдаги китоб закотга оид бўлиб, унга ўнта боб киритилган. Шунингдек, асардан ҳаж, рўза, савдо-сотик, вақф, шаҳодат, қозининг одоби, васият, фароиз каби жами олтмиш учта китоб ўрин олган.

Асарнинг таркибий таҳлили унинг Ислому фикҳи масалалари бўйича муфассал маълумот бера оладиган ноёб манба эканини кўрсатади. Шу сабабли асар яратилган даврдан бошлабоқ кўплаб қўлёзма нусхаларда кўчирилган ва дунёнинг аксарият хазиналарига тарқалган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти жамғармасида<sup>5</sup>, Русия ФА Шарқшунослик институти жамғармасида<sup>6</sup>, Туркменистон қўлёзма жамғармаларида<sup>7</sup> асар ва унга ёзилган шарҳларнинг ўттиздан ортиқ нодир қўлёзмалари мавжуд.

“Ал-Мухтасар” асари бир неча маротаба нашр ҳам этилган. Улар жумласига 1903 йили Қозонда “Бартъя Каримовы” матбаасида чоп этилган босма нусха, 1957 йили Мисрда босилган нусхаларни киритиш мумкин<sup>8</sup>.

**Шерзод ИСЛОМОВ,**

*Тошкент Ислому университети талабаси*

1. Ahmet Ozel. «Hanefiy fikih alimleri», Ankara, Diyanet vekfi, 1990, S.36.

2. Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. «Ислому ҳуқуқшунослиги, ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари», Т., “Тошкент Ислому университети”, 2002. 188-бет.

3. Абдулҳай Лакнавий. «Ал-фавоид ал-баҳия фи таражим ал-ҳанафия», Қозон, 1903. 57-бет.


4. Қаранг: Ҳожи Халифа. «Кашф аз-зунун». Ал-Олам матбааси. 1310. 402-405-бетлар.

5. Қаранг: «Собрание восточных рукописей АН-РУ». Т., XI, тартиб рақами 7423, Т., 1987.

6. Қаранг: «Арабские рукописи ИВ АНР». Ч., I, тартиб рақами 3766-3809, М., 1986.

7. Қаранг: “Каталог арабских рукописей АНТ”. Тартиб рақами 82-86, Ашхабад, 1998.

8. Қаранг: Ал-Кудурий. «Матн ал-Кудурий», Миср, 1957.



аллифнинг ватани Ироқдан олдин узоқ Андалусияда ўқилди.

Айтишларича, Муҳаммад ибн Абдулмалик аз-Заййот ўз кутубхонасидаги мутаржим ва нусха кўчирувчиларга ҳар ойда икки минг динордан ҳақ берарди. Халифа Маъмун эса Хунайн ибн Исҳоққа арабчага ўгирган китобларининг вазнига тенгма-тенг миқдорда олтин ҳадя қилар эди.

Али ибн Яҳё ибн ал-Мунжимнинг Бағдод яқинидаги катта кутубхонасини «Хизонат ул-ҳикма» («Ҳикматлар хазинаси») деб номлашган. Бу кутубхонага турли шаҳарлардан одамлар келиб, бу ерда яшаб қолишар ва илм ўрганишар эди. Бу ерда уларга китоб ва озиқ-овқат

## ИСЛОМ КУТУБХОНАЛАРИ

Динимиз илми жуда қадрлайди. Шунинг учун Исломда китоб ва китобат ишларига жиддий эътибор берилган. Илмга рағбат, китобга меҳр-муҳаббат мусулмонларни китоб йиғишга ундади. Амирлар, уламолар, бадавлат кишилар китоб тўплашга киришишди. Ислом оламида кутубхоналар кўпая бошлади. Ёнида кутубхонаси бўлмаган мадраса, масжид деярли йўқ эди. Доктор Макс Мейерхер ёзади: «Истанбулда масжидларнинг саксондан ортиқ йирик кутубхоналари бор эди».

Доктор Густав ле Бон бундай деб ёзади: «Ҳали оврупаликлар китоб нима, кутубхона нима эканини билмаган бир пайтда жуда кўп Ислом мамлакатларида китоб ва кутубхоналар мўл эди. Дарҳақиқат, Бағдоддаги «Дор ул-ҳикма»да тўрт милён жилд, Қоҳирадаги Султон кутубхонасида бир милён жилд, Тароблус шаҳри кутубхонасида уч милён жилд китоб бор эди. Биргина мусулмонлар қўл остидаги Испанияда йилига етмиш мингдан саксон минг жилдгача китоб чоп этиларди».<sup>1</sup>

Ваҳоланки, ўша пайтда Оврупа қироллик кутубхонасида бор-йўғи юз жилд китоб бўлган.

Андалусия амири Ҳакам ҳозирда адабиёт оламида машҳур бўлган «Ал-Ағоний» китоби ҳақида эшитиб қолиб, унинг муаллифи Абул Фараж ал-Исфажонийга ундан бир нусха бериши учун минг тилла динор юборди. Абул Фараж китобидан бир нусхасини амирга жўнатди. Шундай қилиб, бу нодир китоб му-

мўл қилиб қўйилган эди. Сарфиётнинг барчаси Али ибн Яҳёнинг ҳисобидан бўларди.

Мусилдаги Абулқосим Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Ҳамадон ал-Муслиий барпо этган маҳобатли кутубхона «Дор ул-илм» деб аталган. Ундаги турли илмларга доир минг-минглаб китоб илм толибларига вақф қилиб қўйилган эди. Илм талабидаги бирор камбағал келса, унга китоб ҳам, эҳтиёжи учун пул ҳам бериларди.

Умумий кутубхоналарда «кутубхона хозини» вазифасидаги ходим бошлиқ бир қанча хизматчилар бўлган. Хозинлар замонасининг машҳур уламоларидан тайинланган. Кутубхонада мутолаа қилувчиларга китоб топиб-танлаб берадиган муновиллар, китобларни бошқа тилдан арабчага ўгирадиган мутаржимлар, ҳуснихат билан нусха кўчирувчи нуссох ва хаттотлар, китобларни эзилиб, титилиб кетишдан сақлаш учун жилдлайдиган мужаллидлар ва бошқа касб соҳиблари хизмат қилишган.

Қоҳирадаги фотимий халифалар кутубхонасида Мақризийнинг ҳисобича, бир милён олти юз минг китоб бор, дейилса-да, кўпчилик муаррихлар бу ердаги китоблар сони икки милён жилддан кўп эди, деган фикрга мойил бўлишган. Қоҳирадаги Ал-Ҳоким Биамриллоҳ томонидан ҳижрий 395 йили очилган «Дор ул-ҳикма» кутубхонасидаги мавжуд қирқта жавоннинг ҳар бирига 18 минг жилддан китоб терилган эди.

Бағдоддаги «Байт ул-ҳикма» кутубхонасини Хорун ар-Рашид қурдирган бўлса-да, унинг шон-шухрати халифа Маъмун даврида етти икклими тутди. Кутубхонадаги махсус нуссох ва мутаржимлар Анқара, Умуриййа, Қибрис фатҳ

<sup>1</sup>Доктор Густав ле Бон. «Ислом ва араб маданият тарихи», III жилд, 323-бет.

қилинганида қўлга киритилган китобларни таржима қилиб кўпайтиришар эди. Маъмун Рум подшоҳини мағлуб қилгач, сулҳ эвазига подшоҳ хазинасидаги китоблардан нусха кўчириб олишни шарт қилиб қўйган.

Андалусдаги «Ал-ҳикма» кутубхонасида тўрт юз минг жилд китоб бўлган. Ҳатто кутубхонадаги мавжуд шеърий девонларнинг мундарижаси қирқ тўрт жузга етган.

Тароблусдаги Бани Аммор кутубхонасида бир юз саксон нуссох кечаю кундуз китоблардан нусха кўчириш билан банд эди. Бошқа ўлкаларга борувчи мутахассис ва тожирлар ажнабий юртларда бўлганида фойдали китобларни излаб, Тароблусга олиб келишга вазифалантирилган эдилар. Маълумотларга қараганда, бу кутубхонада бир милён жилд китоб бўлган.

Ислол оламнинг ғарбу шарқида кутубхонасида мингларча китоби бўлмаган олим камданкам топиларди. Фатҳ ибн Ҳоқон (вафоти 248 ҳ.) кутубхонаси жуда улкан бўлиб, ундаги ноёб китобларни машҳур «Дор ул-ҳикма» кутубхонаси ҳам кўрмаган эди. Жамолиддин ал-Қифтий (вафоти 646 ҳ.) ҳам жуда нодир манбаларни йиққан. Кутубхонаси эллик минг динорга баҳоланган. Ҳалабдаги Бани Жарода кутубхонасидаги жавон-жавон китобларни ота-бола олимлар Абул Ҳасан ибн Абу Жарода, ўғиллари Абул Баркот ва Абдуллоҳлар ёзишган, нусха кўчиришган. Ал-Муваффиқ ибн ал-Матрон ад-Димашкий (вафоти 587 ҳ.) кутубхонасидаги тиббиётга оид китоблар сони ўн минг жилдга етган. Унинг хизматидаги уч нуссох то у вафот этгунича китоб ёзишган, уларнинг маош ва таомларини ўзи бериб турган.

Босқинчилик урушлари, салиб юришлари ана шундай бой ва нодир кутубхоналарни яқсон қилди, кулини кўкка совурди. Бағдодни босиб олган мўғул истилочилари кутубхоналардан қўлларига илинган барча китобларни Даж-

ла дарёсига улоқтирдилар. Шунчалик кўп китоб нобуд қилиндики, отлиқ киши у соҳилдан бунисига бемалол ўтган, дарё суви чўктирилган китоблар бўёғи ҳисобига бир неча ой тим қора бўлиб оққан.

Салиб юришлари пайтида Тароблус, Маарра, Қуддус, Ғазо, Асқалон ва бошқа шаҳарлардаги энг гўзал ва муҳташам кутубхоналар хароб қилинди, нодир китоблар ўтга ташланди. Салибчилар Тароблуснинг ўзида уч милён китобни йўқ қилганларини эслаш кифоя.

Босқинчилар Андалусдаги тарих ҳайрат ила сўзлаган буюк кутубхоналарни ер билан битта қилишди. Бу кутубхоналарнинг барчасини мутаассиблар ёқиб юборишди. Маълумотларга кўра, Ғарнота (Гранада) шаҳри майдонида бир кунда милёнта китоб ёқилган.

Ички фитналар ҳам илмий меросга катта талафот етказди. Мамлук турклари фотимий халифалар кутубхоналарига ўт қўйишди, китобларнинг анчагина қисми Нилга отилди, айримлари бошқа ўлкаларга ташиб кетилди. Қолганини шамол учуриб, «Китоб тепаликлари» номини олган тепаликлар юзага келди.

Ҳалабдаги «Сўфийлар хизонаси» деб номланган машҳур кутубхона Ашуро кунларида кўзгалган фитна туфайли йўқ қилинди.

Андалусдаги «Ал-ҳоким ал-Мустансир» кутубхонаси китобларини барбарлар Қуртубага кирганларида талон-тарож қилишди, аксариятини сотиб юборишди.

Булар Ислол ҳазораси давридаги кутубхоналар ва уларнинг аянчли интиҳоси ҳақидаги ҳақиқатдир. Ўзганинг яхшилигини эътироф этиш нафсга оғир келади. Аммо шуни тан олиш керакки, Оврупадаги кутубхоналар бизга ўша улкан мероснинг қолдиқларини асраб берди ва айни ўша китоблар ғарб Уйғониш даврининг бошланишида буюк манба бўлди.

Аҳмад МУҲАММАД





# КИЧКИНА УМАРНИНГ ҲИКОЯЛАРИ

## Олтинчи ҳикоя

Хуфтонгача ҳали анча бор. Ҳамма ўз иши билан банд: дадам меҳмонхонада китоб ўқиб ўтирар, мен ва Зайнаб уй вази-фаларимизни бажарар эдик. Онам эса нариги хонада укам Абдуллоҳни ухлайптилар. Илиқ баҳор оқшоми бўлгани учун деразаларни очиб қўйдим. Ичкарига кираётган шабада жуда ёқимли эди. Шунда телевизордан янграган баланд овоз осудаликни бузиб юборди. Шовқин яқинда кўчиб келган қўшнимизнинг уйидан чиқаётган эди. Укам Абдуллоҳ уйғониб, йиғлай бошлади.

Телевизор овозини пасайтиришини илтимос қилиб, қўшниникига чиқдим.

— Бу менинг уйим, телевизорни хоҳлаганимдек кўраман. Агар овози халақит бераётган бўлса, деразани ёпиб ўтиринглар! — деди янги қўшнимиз.

Дадам гўё шундай бўлишини олдиндан билгандек:

— Қўявер, ундай инсонларга бирор нарсани тушунтириш қийин. Аллоҳнинг Ўзи инсоф бериб қолар. Балки бирор чорасини кўрсатар, — дедилар.

Шундай қилиб, ҳар куни кеч бўлди дегунча қўшнимизнинг уйидан телевизорнинг баланд овози тараладиган бўлди. Бир куни одатдагидек дарс қилиб ўтирардим, ҳар кунги шовқин эшитилмади. Бирор ерга кетишганмикан ёки телевизорлари бузилиб қолганмикан деган ўй билан қўшнилари-нинг деразасига назар ташладим. Дераза очик, телевизорнинг зангори нури ташқарига тушиб турарди. Ҳайрон бўлиб, дадамдан сўрадим.

Дадам мийиқларида кулиб, саволимга бундай жавоб бердилар:

— Ўғлим, қўшнимизнинг бу хатти-ҳаракатидан бошқалар ҳам азият чекишаётган экан. Шунинг учун тегишли маъмуриятга бориб арз қилишибди. Фурсатдан фойдаланиб, мен қўшнимизнинг дилини оғрит-



май, ибратли бир дарс бериб қўйишни маъқул кўрдим.

Қизиқишим янада ортиб, дадамга савол бердим:

— Қанақа дарс бердингиз, дадажон? Менга ҳам айтиб беринг.

— Бугун эрталаб шикоят юзасидан қўшнимизни мелиса бошқармасига чақиришганини билдим. Бошқармага бориб, бирор чора кўришларидан олдин қўшни билан бир гаплашиб олишга рухсат сўрадим. Нозир илтимосимни қабул қилди. Шундан сўнг қўшнимизнинг олдига бордим ва: “Сиз билан ортиқча тортишиш ниятим йўқ. Сизга фақат иккита қисқагина ҳикоя айтиб бермоқчиман. Ҳикоялардан биридаги воқеа суюкли Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)

даврларида бўлиб ўтган”, дедим.

Пайғамбаримизнинг номларини эшитган қўшни сергак тортди. Маъқул дегандек, бошини қуйи эгди. Мен ҳикояни бошладим:

“Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) даврларида бир мусулмон аёл бор эди. Атрофидагиларга жуда қўпол муомалада бўлар, аччиқ гаплар билан қўшниларига озор берар эди.

Бир куни бу аёл яна қўшнисини хафа қилибди. Бечора қўшни Пайғамбаримизга шикоят қилишдан бошқа чора тополмади ва ул зотнинг хузурларига келиб, воқеани гапириб берибди. Иттифоқо, у аёлнинг яқин қариндошларидан бири ҳам шу ерда экан. Шикоятчининг гапларини эшитгач:

— Ё Расулulloҳ, бу аёл кундузларини рўза, кечаларини намоз билан ўтказди. Ибодатга қаттиқ берилган, — дебди.

Шунда Аллоҳнинг Расули бундай марҳамат қилибдилар:

— Ўша аёлнинг қилаётган иши дўзахийлар амалидир. Рўза тутса ҳам, намоз ўқиса ҳам, қўшниларига етказган зарари туфайли имонни том маънода англаган ҳисобланмайди. Шу иши билан жуда ёмон ҳолатдадир.

Пайғамбаримизнинг бу гапларини эшитган у ердаги саҳобалар қўрқиб кетишди ва:

— Бундай оғир жазо нима учун берилади, ё Расулulloҳ? — деб сўрашди.

Суюкли Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) айтдилар:

— Қаранг, бу инсон қўшниларига зарар беряпти, уларнинг

тинчини бузиб, оила ҳаётларига раҳна соляпти. Холбуки, мўмин инсон кўшнилари ундан мамнун ва унинг зарар етказмаслигига ишончлари комил бўлган киши бўлиши лозим”.

Дадам бир оз тин олиб, кўшнимизга айтганлари иккинчи ҳикояни бошладилар:

“Мазҳаббошимиз Имоми Аъзам Абу Ҳанифанинг Бағдод шаҳрида оёқ кийимларни таъмирловчи косиб кўшнилари бор эди. У ҳаддан ташқари кўп ичкилик ичар, сархушликдан нима деяётганини, нима қилаётганини билмай, ўзини кўрқмас ботир тасаввур этиб, эрталабгача бақир-чақир қиларкан. Одамларнинг тинчи бузилиб, азият чекишаркан. Айниқса, ундан ён кўшниси Имоми Аъзам бошқаларга нисбатан кўпроқ жабр кўрардилар. Чунки бу улуг олим кечанинг ҳамма истироҳат қилаётган вақтида ҳам ибодат ва илм ўрганиш билан машғул бўлардилар. Косиб йигитнинг тўпалонларидан безор бўлган кўшнилари унинг ақлини киргизиб қўйиш учун маҳкамага топширишибди. Шу кеча кўшнисиникидан ҳеч қандай шовқин эшитмаган Имоми Аъзам бунинг сабабини суриштирибдилар. Унинг ҳибсга олинганини билгач, дарҳол шаҳар волийининг хузурига бориб, унинг озод қилинишини сўрабдилар. Абу Ҳанифани жуда ҳурмат қилувчи волий у зотнинг хотирлари учун айбдор йигитни чақиртирибди. Қилган ишларидан пушаймон бўлиб, ичкиликни ташлаш ва кўшнилариининг ҳаловатини бузмаслик шарти билан йигитни қўйиб юборибди.

Йўлда йигит билан бирга қайтаётган Абу Ҳанифа “Ўзингга келдингми?” деб сўрагач, косиб хўнг-хўнг йиғлаб, буюк олимнинг қўлларига ёпишиб,

афв этишларини сўрабди. Шу кундан бошлаб жуда одобли йигитга айланган косиб бошқа бирор марта кўшниларига озор бермаган экан”.

Дадам ҳикояларини тугатгач, яна давом этдилар:

— Ҳикояларни охиригача кунт билан тинглаган кўшнимизга “Мелиса нозиридан илтимос қилай, сени қўйиб юборсин. Косиб йигит каби ўзингни тузатасанми ёки бериладиган жазога рози бўласанми?” дедим.

Йигит хатосини тушунди. Бундан кейин кўшнилари беэзовта қилмасликка сўз берди.

Отамнинг кўшнимизга берган дарслари мен учун ҳам катта сабоқ бўлди.

— Дадажон, сизга ҳам, айбини вақтида тушуниб етган кўшнимизга ҳам Аллоҳнинг раҳмати бўлсин! — дедим.

Отам бугунги суҳбатимиз мавзуини янада яхшироқ англашим учун кўшимча қилдилар:

— Ўғлим, кўшнилари ҳаққидан жуда эҳтиёт бўлиш лозим. Динимиз ҳукмига кўра, кўшни бирор нарсага муҳтож бўлса, бериш, касал бўлиб қолганида чиқиб, ҳолидан хабар олиш, бошига мусибат тушса, гамига шерик бўлиб, кўнглини кўтариш, бирор иш ёки хизмат билан узоқроққа кетса, уйжойи ва оила аъзоларини ҳимоя қилиш, хоҳ диний, хоҳ дунёвий масалада билмаганларини ўргатиш каби вазифалар кўшнининг ҳаққи ҳисобланади.

Ўзинг гувоҳи бўлганингдек, кўшнимиз динимизнинг бу амридан беҳабар экан. Аллоҳга шукрлар бўлсин, унга буларни тушунтириб қўйишда Ўзи йўл кўрсатди. Сен кўшнимизникига чиққан куни мен ҳам чиқиб, қаттиқроқ гапирсам бўларди. Лекин икки ўртада гап-сўз кўпайиб, орага совуқчилик тушиши мумкин эди.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ҳеч бир банда токи одамлар унинг қалби, тили ва қўлидан омон бўлмагунларича муслим бўлолмайди, токи кўшнисини унинг зулм ва ёмонликларидан тинч бўлмагунча мўмин бўлолмайди”, деган ҳадисларини унутмасак, дунё ва охирада катта фойда кўрамиз. Бу борада яна суюкли Пайғамбаримиз: “Жаброил (алайҳиссалом) кўшнининг ҳаққини адо этиш борасида шундай танбех бердики, кўшни ҳам ворислардан бўлиб қолмадимикин, деб ўйладим”, деб айтганлар.

— Ворислар кимлар? — деб сўрадим кўпроқ билиш учун.

— Вафот этган кишидан қолган мол-дунёга эгалик қилиш ҳуқуқи бор кишилар. Марҳумнинг хотини, фарзандлари ва бошқа яқин қариндошлари унинг ворислари ҳисобланади. Ҳадиси шарифдан маълум бўляптики, Жаброил (алайҳиссалом) кўшни ҳаққи қанчалик муҳимлигини билдириш маъносида кўшнини туғишган қариндош каби қадрлаганлар, — дея изоҳ бердилар дадам.

— Дадажон, Пайғамбаримиз қаттиқ огоҳлантирганлари бу хусусда Куръони каримда ҳам айтилганми?

— Албатта, ўғлим, Аллоҳ тало Куръоннинг Нисо сурасида биз бандаларга “**Ота-онангизга ҳамда қариндош-уруғ, етим ва мискинларга, қариндош кўшни ва бегона кўшника, ёнингиздаги ҳамроҳингизга, йўловчи мусофирга ва қулларингизга яхшилик қилингиз!**” дея энг яқин кишиларимиз қатори кўшнилариимизга ҳам яхшилик қилишга буюради.

Шу пайт хуфтонга азон айтилди. Суҳбатимизни шу ерда тўхтатиб, масжид сари юрдик.

Маҳмуд МАҲКАМ  
тайёрлади



# Тирноқгул

(қуштирноқ)

Қадимий манбаларда “абрун”, “ақлавони асрор”, “зубайдо”, “қарқахон”, “мораун”, “сохлаб”, “хайри”, “мишимш баҳор”, “ҳамиша жавон” каби номлар билан тилга олинган тирноқгул (ноготки) таркибида каротин, салитсилат ва олма кислоталари, фитонситлар, календен аччиқ моддаси, сапонинлар, алкалоидлар, эфир мойи, ошловчи шиллиқ ва бўёқ моддалар, мум ва турли дармондорилар бор. Илдизи ва баргидаги гликозидларга бой оқсил бирикмаларининг табиати ҳалигача тўлиқ ўрганилмаган.

би хасталикларни даволашда қўлланади. Шунингдек, сийдик ҳайдашда, қизилча, йўтал, рахит, қорин оғриганида фойда беради.

## Фойдали маслаҳатлар

1. Бадан куйганида, совуқ урганида, турли яралар (чипқон, хўппоз, кўзикўк, сизлогич, хасмол ва ҳоказо) чиққанида тирноқгул дамламаси билан ванна ёки компресс қилинади.

2. Бундай дамлама билан ангина, стоматит, милк-танглай оғриганида оғиз ва томоқ-

ни чайиш ёки фарғара қилиш фойдалидир.

Дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишда қайнаб турган икки юз грамм сувга майдаланган тирноқгулнинг гулидан икки чой қошиқ солинади ва ўттиз дақиқа дамлаб қўйилади.

3. Тирноқгул қайнатмасини тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга икки истикон сув қўйиб, йигирма грам майдаланган тирноқгул гулидан солинади ва паст оловда ўн-ўн беш дақиқа қайнатилади. Қайнатма совуғач, докада сузилади ва кунига уч-тўрт маҳал бир ошқошиқдан овқатдан олдин ичилади.

4. Тирноқгулдан тайёрланган суртма дори ташқи яраларга шифодир. Малҳамни тайёрлаш учун ўн грам тирноқгулнинг гули юз грам зайтун мойига аралаштирилиб, йигирма кун офтобда сақланади. Идиш ҳар кун чайқатилиб турилиши керак. Тайёр бўлган дори сузиб олинади.

5. Тирноқгул баргини сиркада ивитиб, сўгалга оёқ ва қўллардаги қалоқларга боғланса, шифо беради.

6. Тирноқгулнинг туйилган барги ич кетишини тўхтатади. Арпа уни билан аралаштириб, йирингли яралар, куйган жойлар ва оғриётган бўгинларга қўйилса, даво бўлади.

7. Беш грам майдаланган тирноқгул гули йигирма беш грам вазелин билан аралаштирилади ва бирор жой кесилганида, чипқон чиққанида сурилади.

8. Тирноқгулнинг гули камқонликка барҳам беради, асабларни мустаҳкамлайди, сариқ касаллигининг олдини олади.

Сафар МУҲАММАД